



janubiy.kz

# Жанубий ҚОЗОҒИСТОН

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган  
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2025 йил 12 апрель, шанба, №39 (3540).

»» Президент



## ОЛДИНГА ИНТИЛИШ ДАВРИ

**ҚР ПРЕЗИДЕНТИ ЖАҲОН  
БОЗОРИДАГИ ВАЗИЯТНИНГ  
ЎЗГАРИШИ МУНОСАБАТИ  
БИЛАН ЙИГИЛИШ ЎТКАЗДИ**

**KAZINFORM.** Қасим-Жўмарт Тўқаев ҚР Бош вазири Ўлжас Бектенов, Миллий Банк раиси Тимур Сулейменов ва бошқа расмий шахслар иштирокида йиғилиш ўтказди.

Унда жаҳон бозоридаги зиддиятлар натижасида пулнинг қадрсизланиши ва нефть баҳосининг пасайиши билан боғлиқ мамлакат иқтисодиётидаги мавжуд вазият кўриб чиқилди.

“Давлат раҳбари Ҳукумат ва маҳаллий ижро ҳокимияти идоралари раҳбарларига чора-тадбирлар режасини қисқа муддатда ишлаб чиқиш юзасидан кўрсатмалар берди. Ушбу тадбир молиявий-иқтисодий инқироз даврида тараққиёт суръатларини ва жалб қилинган сармоялар ҳажмининг пасайтиришга йўл қўймасликка қаратилган. Қасим-Жўмарт Тўқаев жорий ўта ноқулай вазиятга қарамай, мамлакат иқтисодиётини тараққий эттириш юзасидан белгиланган устувор йўналишлар, жумладан, йирик инфратузилма лойиҳалари, рақамлаштириш ва сунъий заковатни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ва транспорт-логистика шўъбасини замонавийлаштириш ташаббуслари тўлиқ амалга оширилиши зарурлигини таъкидлади”, дейилади хабарда.

Президент келгуси ҳафтада ушбу масала юзасидан навбатдан ташқари йиғилиш ўтказди.

## ИЛМ-ФАН – ТАРАҚҚИЁТ ТАЯНЧИ



**ПРЕЗИДЕНТ ОЛИМЛАРНИ  
ТАҚДИРЛАШ МАРОСИМИДА  
ИШТИРОК ЭТДИ**

**KAZINFORM.** Давлат раҳбари Фан ходимлари кунни арафасида россиялик олимлар билан учрашиб, уларни касб байрами билан табриклади. У илм-фаннинг турли жабҳаларида муваффақиятли меҳнат қилиб, юрт равнақига ҳисса қўшаётган йиғилиш иштирокчиларига самимий миннатдорчилик билдирди.

– Албатта, илм чўққилари сари йўл машаққатли, уларга фақат чинакам фидойи, меҳнатсевар, ижодкор инсонларгина бардош бера олади. Ҳақиқатан ҳам тараққийпарвар халқ бўлиш учун ана шу кадрли фазилатларни жамиятимиз онгига сингдиришимиз зарур. Буюк Абай бизга васият қилган: “Илминг бўлмаса, мақтанма!”. Технологиялар жадал ривожланаётган ҳозирги даврда тизимли тадқиқотлар, чуқур билим ва илм-фанга жиддий эътибор қаратишимиз керак. Яқинда Бурабайда ўтган Миллий Курултой йиғилишида ушбу мавзуга тўхталган эдим. Илм – миллатнинг мунаввар ёғдуси, шунинг учун яна бир бор таъкидламоқчиманки, илмий жамоатчилик зиммасига

юксак масъулият юкланади, – деди у.

Президент маърузасида Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида мамлакатимиз илм-фанини ривожлантиришга етарлича эътибор қаратмагани, кўплаб олимларимиз бошқа соҳаларга ўтишга мажбур бўлгани таъкидланди. Натижада республикада илмий ходимлар сонини 3 баравар камайдди. Бундан аянчли ҳолат миллатнинг заковат салоҳиятига таъсир кўрсатмай қолмасди. Бундан ташқари, соҳада уюшган жиноятчилик ҳолатлари кўпайган. Масалан, бир пайтлар “Парасат” холдинги раҳбарлик қилган таниқли академик уни талон-тарож қилиб, оиласи билан хорижга қочиб кетган ва АҚШ фуқаролигини олган.

Айни пайтда, вазият яхшиланмоқда. Бу давлатнинг олимларга билдирилаётган ишончи самарасидир.

– Давлатимиз томонидан илм-фанны ривожлантириш борасида аниқ чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Уч йил муқаддам мен Фанлар академиясини замонавийлаштириш юзасидан кўрсатма берган эдим. Ўтган давр мобайнида залворли ишлар амалга оширилди. Академияга олий илмий ташкилот мақоми берилди. Инфратузилма янгиланиб, кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Таъкидлаш жоизки, ўтган йили қабул қилинган “Фан-техника сиёсати тўғрисида”ги Қонун бу жараёнларга жиддий туртки бўлди. Хужжат фанни бошқариш шаклини такомиллаштиришга қаратилган андазаларни назарда тутди ва олимларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини белгилайди. Умуман олганда, Қонун илм-фан соҳасида меҳнат қилаётган фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган, – деди Президент.

(Давоми 2-бетда). ►



## МЕҲНАТ УЛУҒЛАНАЁТГАН ЙИЛ

*Ёшларнинг меҳнатга иштиёқини оширишимиз керак. Биз барпо этаётган янги жамиятда меҳнаткаш инсон биринчи ўринда туриши кераклигини ёшларимизга тушунтириш зарур. Чунки ватанпарварлик, энг аввало, ишбилармонлик, меҳнатсеварлик демакдир. Фуқароларимиз аввало, оиласи, фарзандлари ҳақида қайғуриши керак. Улар ўз меҳнати ва куч-ғайрати билан ҳаёт кечирishлари даркор. Мактубимда ана шу долзарб мавзуга бежиз тўхталмадим. Халқимизда “Меҳнатнинг тағи роҳат” деган нақл бор. Буюк Абай Қозоқ жамияти онгига “Баркамол инсон” тушунчасини киритди. Комил инсон – мазмунли ҳаёти, теран дунёқараш, кенг фикр доираси, меҳнатсеварлиги билан ажралиб турадиган шахсдир. Зеро, барча муваффақиятлар манбаи ҳалол меҳнат, ишбилармонлик ва масъулиятдир. Ҳар ким ўз соҳасининг касбий мутахассиси бўлиб, тинмай меҳнат қилса, ўта олмайдиган тўсқ қолмайди. Бунини ҳар бир йигит-қиз аниқ тушуниши керак.*

Қасим-Жўмарт ТўҚАЕВ.

Ишчи касблари йили. Бу ўзининг бунёдкорлик ишлари билан мамлакатимиз барқарор тараққиётига ҳисса қўшаётган меҳнаткаш инсонларни улуғлашга бағишланган муҳим йилдир. Мамлакатимиз ишчи касблари соҳиблари ўз она юртининг ёрқин истиқболи йўлида тинмай меҳнат қилиб, ватанпарварлик намунасини кўрсатмоқда.

Халқимиз “Меҳнат – инсон кўрки, одам – замон кўрки” деб бежиз айтмаган. Дарҳақиқат, ҳалол меҳнат барча муваффақиятларнинг дебочаси, муваффақиятлар қалитидир. Давлат ана шу асосий тамойил барча жойда ҳукмрон бўлиши учун бор имкониятини ишга солади.

Президент Қасим-Жўмарт Тўқаев Адолатли Қозогистонни фақат меҳнатсевар ва ҳалол фуқароларига яратишига ишонч билдирди.

Юртимизда 2013 йилда ишчи касблари анъаналарини янгилаш ва меҳнатнинг аҳамиятини юксалтириш мақсадида ҚР Президентининг 2013 йил 22 ноябрдаги 698-сонли фармони билан Меҳнат куни жорий этилиб, у сентябрь ойининг охирига яқинлаштирилди.

Мамлакатда меҳнаткашларнинг муваққияти ошириш мақсадида “Меҳнат фахрийси” медали ҳамда “Қозогистоннинг меҳнат қахрамони” кўкрак нишони таъсис этилган.

“Меҳнат фахрийси” медали билан 40 йилдан зиёд меҳнат қилган, шу жумладан 10 йил бир соҳада ишлаган, шунингдек, ўз меҳнатида энг яхши натижаларга эришган ва пенсия ёшига етган, иқтисодиётнинг турли тармоқлари ишчилари ва жисмоний шахсларига берилди.

“Қозогистоннинг меҳнат қахрамони” унвони мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий-гуманитар тараққиётида салмоқли муваффақиятларга эришган фуқароларга берилди. Ушбу унвонни олган шахс “Алтын жўлдыз” махсус ордени ва “Отан” ордени билан тақдирланади.

2016 йилдан эътиборан мамлакатда ҳар йили “Меҳнат куни” ва “Меҳнат одами” мукофотига бағишланган “Еңбек жолы” республика танлови ўтказиб келинмоқда. Танлов унвонларидан бири “Меҳнаткаш ёшларнинг энг яхши мураббийи”дир. Ушбу унвон соҳибларининг ҳар бири 20 йилдан ортиқ тажрибага эга бўлиши керак.

Меҳнат фахрийси унвони 1995 йилгача қуйидаги шахсларга берилган.

– уруш қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахслар;

– 1941-1945 йиллардаги уруш даврида мамлакат ичкарисида ишлаган ва ҳарбий мажбуриятни бажарган шахслар;

– уруш ноғиронлари ва уларга тенглаштирилган шахслар;

– собиқ Иттифоқ ёки Қозогистон ССР ордени ва медаллари билан тақдирланган шахслар, меҳнатда илғор бўлганлиги ҳақидаги маълумотлари ва қарийлик нафақасига чиқиш учун етарли меҳнат тажрибасига (аёллар учун 20 йил, эркеклар учун 25 йил) эга бўлган шахслар, шунингдек, меҳнат фаолиятини Улуғ Ватан уруши йилларида балоғат ёшига етмай туриб бошлаган бўлса (буни тасдиқловчи ҳужжатлар бўлиши шарт эди) ва эркеклар 40 йил, аёллар 35 йил меҳнат стажига эга бўлган ҳолларда берилган.

1995 йилдан эътиборан биронта фуқарога бу унвон берилмаган эди. “Ақ жол” партияси бу масалани Парламент Мажлиси йиғилишида кўтариб чиқди. Натижада, “Қозогистон Республикаси Ҳукуматининг 2014 йил 31 июлдаги 855-сонли “Қозогистон Республикаси Ҳукуматининг 2011 йил 15 декабрдаги 1539-сонли “Қозогистон Республикаси Ҳукумати тузилмаси таркибидаги айрим давлат органларининг идоравий мукофотлари тўғрисида”ги қарорига ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги қарори билан “Еңбек ардағери” медали таъсис этилди.

Ушбу қарор Қозогистон жамиятида “Меҳнаткаш одам” нуфузини ошириш, самарали меҳнатни рағбатлантириш, ишчи касбларини тарғиб қилиш ва ёшларни ишлаб чиқариш соҳасига жалб этиш, меҳнаткаш сулоаларнинг кўп йиллик анъаналарини мустаҳкамлаш мақсадида қабул қилинган.

“Еңбек ардағери” медали билан иқтисодиётнинг турли тармоқлари ходимлари ва умумий меҳнат тажрибаси 40 йилдан ортиқ, шундан камида 10 йили битта тармоқда бўлган пенсия ёшига етган шахслар, шунингдек, меҳнат фаолиятида энг юқори натижаларга эришган шахслар тақдирланади.

Юртимизда кенг қамровли ислохотлар давом этмоқда ва унутилмас воқеалар, бунёдкорликлар, янги элчилар рўй бермоқда. Булар ҳар бир юртдошимизнинг қалбини фахр-ифтихор туйғуларига тўлдирди.

А. АБДУФАТТОҲ.

## БЕҚИЁС ҒАМХЎРЛИК ИФОДАСИ

**Қозогистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири ўринбосари Асқарбек Ертаев вилоятимизга хизмат сафари доирасида вилоятлараро кўчириш ярмаркасига ташриф буюрди, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари раҳбарлари билан учрашув ўтказди, шунингдек, «Меҳнат сафарбарлигини ошириш» маркази, Махсус касб-хунар коллежи ва махсус ижтимоий хизматлар кўрсатиш марказлари фаолияти билан танишди.**

Вазир ўринбосари дастлаб вилоят ҳокимлиги томонидан Қўстанай, Шарқий Қозогистон, Шимолий Қозогистон, Павлодар, Қарағанди, Абай ва Улитау вилоятлари вакиллари иштирокида ташкил этилган кўчириш ярмаркасига ташриф буюрди.

А. Ертаевнинг қайд этишича, Меҳнат вазирилик қозогистонликларни ихтиёрий равишда ишчи кучи ортиқ минтақалардан ишчи кучи етишмайдиган ҳудудларга кўчириш дастакларини такомиллаштириш борасида тизимли иш олиб бормоқда.

Сўнг вазир ўринбосари вилоят бандлик ва ижтимоий дастурларни мувофиқлаштириш бошқармалари раҳбарлари, вилоят, туман ва

шаҳарлари ҳокимларининг ўринбосарлари, вилоятдаги ижтимоий муассасалар вакиллари иштирокида йиғилиш ўтказди. У ўз нутқида ички миграция ва махсус ижтимоий хизматлар кўрсатувчи ташкилотларни лицензиялаш масалаларига алоҳида эътибор қаратди.

– Сўнгги беш йилда 48,8 минг киши шимолий вилоятларга ихтиёрий равишда кўчиб борган бўлса, уларнинг 14 фоизи Туркистон вилоятидан. Шу даврда 20,7 минг кишига мослашган ва интеграция хизматлари кўрсатилди, – деди вазир ўринбосари.

Шунингдек, А. Ертаев 15 ёшдан 35 ёшгача бўлган ноғиронларга 3та мутахассислик – ҳисобчи-аудитор, тикувчилик, рақамли

ахборотни қайта ишлаш бўйича бўйича касб-хунар таълими бераётган Туркистон вилояти махсус касб-хунар коллежи фаолияти билан ҳам танишди.

Бундан ташқари, вазир ўринбосари 1- ва 6-сонли “Самғау” махсус ижтимоий хизматлар кўрсатиш марказларида бўлди.

Хизмат сафари якунида А. Ертаев таянч-ҳаракат тизимида нуқсонли бўлган 18 ёшгача бўлган болаларга стационар шароитда махсус ижтимоий хизматлар кўрсатишга мўлжалланган 50 ўринли янги марказ қурилишининг бориши билан танишди.

**Вилоят ҳокимининг  
матбуот хизмати.**



# ИЛМ-ФАН – ТАРАҚҚИЁТ ТАЯНЧИ

## ПРЕЗИДЕНТ ОЛИМЛАРНИ ТАҚДИРЛАШ МАРОСИМИДА ИШТИРОК ЭТДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида илмий жамоатчилик олдида турган асосий вазифаларга алоҳида тўхталди.

– Стратегик вазифалардан бири ядро фани ва технологиясини ривожлантиришдир. Қозоғистон бу борада улкан салоҳиятга эга. Алматидagi Ядро физикаси институти, Курчатовдаги Миллий ядро маркази каби етакчи илмий муассасаларда фундаментал ва амалий тадқиқотлар олиб борилмоқда, соҳа учун кадрлар тайёрланмоқда. Атом энергиясини ишлаб чиқариш нафақат барқарор энергия манбаи, балки иқтисодиёт ва фanning янги йўналишларини ривожлантиришнинг бошланғич нуқтасидир. Гап ядровий тиббиёт, водород энергияси, сувни тузсизлантириш, синтетик ёқилғи ишлаб чиқариш, кичик модулли реакторлар ва бошқалар ҳақида бормоқда. Бу соҳаларда ютуқларга эришиш учун илмий-тадқиқот инфратузилмасини мустаҳкамлаш, илмий ишларни кучайтириш, муҳандислик таълимини замонавийлаштириш зарур. Атом энергетикасини ривожлантириш масаласи Президент ҳузуридаги Фан ва технологиялар бўйича Миллий кенгашнинг навбатдаги мажлиси кун тартибдаги асосий масала бўлиши керак, – деди Қ. Тўқаев. – Мамлакатдаги корхоналар ҳам илм-фан тараққиётига ҳисса қўиши керак. Улар янги маҳсулотларни ишлаб чиқиш учун университетлар ва тадқиқот марказлари билан ҳамкорлик қилишлари даркор. Қозоғистондаги йирик саноат корхоналари ўз даромадларининг 1 фоизини фанга йўналтирмоқда. Бу стратегик аҳамиятга эга йўналиш, – деди у.

Қ. Тўқаев бугунги кундаги вазиятга ҳам тўхталди. Кўпгина экспертлар дунё сўнги ўн йилликлардаги энг жиддий инқироз ёқасида эканлигини таъкидладилар. Йирик давлатлар бир-бирига қарши “тарифлар уруши” очар экан, ишлаб чиқариш ва савдо занжирлари бузилади, бозорлар таназзулга юз тутди, товар нархлари беқарор бўлади. Бу, шубҳасиз, барча мамлакатларга, жумладан, Қозоғистонга ҳам таъсир қиладди.

– Ҳозирда юқори тарифларни жорий этишга 90 кунлик мораторий эълон қилинган бўлса-да, бозордаги вазият жуда беқарор. Шунинг учун биз ушбу иқтисодий нотинчлик Қозоғистон иқтисодиётига олиб келган оқибатларини бартараф этиш устида ишляпмиз. Бироқ, таъвишланиш учун ҳеч қандай сабаб йўқлигига аминман. Биз доим ўз устуворликларимизга эътибор қаратиш орқали барча қийинчиликларни енгиб чиқдик. Ноқулай ташқи омиллар таъсирига қарамай, тараққиёт йўлидан борамиз. Йирик инфратузилма лойиҳалари ва бошқа ташаббуслар тўлиқ амалга оширилади. Қуни кеча Ҳукумат ва маҳаллий ижро ҳокимияти органларига чора-тадбирлар режасини зудлик билан яқунлаш юзасидан топшириқ бердим. Ушбу қадам юксалиш суръати ва сармоялар ҳажминини камайтиришга йўл қўймаслик учун мўлжалланган. Бугунги кунда сармоя учун кураш кучаймоқда. Шунинг учун биз оқилона ҳаракат қилишимиз керак. Биз барча қийинчиликларга тайёр бўлишимиз керак. Барча ишлар тез ва сифатли бажарилиши керак. Маълумки, инқирознинг ҳам ўзига хос фойдалари бор. У раҳбарлик лавозимидagi фуқароларнинг ишбилармонлик қобилиятига эга ёки йўқлигини аниқлайди. Бу ҳам янги имкониятларни очади. Бу ташқи шароит тубдан ўзгариб бораётган бир даврда миллий иқтисодиёт барқарорлиги ва ижтимоий барқарорликни сақлашда муҳим аҳамият касб этади, – деди Давлат раҳбари.

Қ. Тўқаев илм-фан ривожланган давлат ҳар қандай қийинчиликларга дош бера олишини, шунингдек, Қозоғистоннинг келажаги ватанпарвар ва малакали олимлар қўлида эканини, давлат уларни бундан буюн ҳам ҳар томонлама қўллаб-қувватлашини таъкидлади.

– Орамизда бутун умрини илм-фан ва таълимга бағишлаган фахрийларимиз, иқтидорли ёш олимлар ҳам бор. Барчангизга ана бир бор миннатдорчилик билдираман, – деди ҚР Президенти.

Йиғилиш якунида Президент бир гуруҳ олимларни давлат мукофотлари билан тақдирлади.

Мамлакатимиз пойтахти Астана шаҳрида ҚР Парламенти Сенати қошидаги Маслаҳатлар билан ўзаро иш-ҳаракатлар кенгашининг кенгайтирилган мажлиси ўтди.



Сессияларда Парламент ҳамда маслаҳат раислари, депутатлар, Ҳукумат аъзолари, хорижлик ҳамда қозоғистонлик таҳлилчилар иштирок этди.

Мажлис Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Тўқаевнинг Маслаҳат депутатларининг II республика анжумани ҳамда Миллий курултойнинг IV мажлисида белгилаб берган вазифаларнинг ижросини таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

Сенат раиси Маулен Ашимбаев 30 йилда маслаҳатлар мамлакатимиздаги бошқарув

# СЕНАТ ВА МАСЛАҲАТНИНГ МАСЛАҲАТЛИ УЧРАШУВИ

тизимининг маҳаллий тўлақонли аъзосига айланганини таъкидлаб, Миллий курултойда қўшма тадбирларнинг аҳамияти ҳамда шу йўналишдаги қатор устуворликларга тўхталди.

Улардан бири – қулай сармоявий муҳитни шакллантириш, ижтимоий жамият барпо этиш, бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиш ҳамда давлат тузилмалари хизматининг шаффофлигини таъминлашда маслаҳатларнинг фаол

ҳаракатига доир вазифа.

Вилоят маслаҳати раиси Нурали Абишов Агросаноат мажмуасини, қишлоқ ҳудудларини ривожлантириш ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари бўйича ўтган тўгарак ишида маъруза қилди. Маслаҳат раиси агросаноат мажмуасини субсидиялаш ва “Қишлоқ омонати” дастури доирасида молиялаштириш қоидаларини тасдиқлашни маҳаллий ваколат органлари-



Вилоят маслаҳати.

# СЕССИЯ ЎТДИ

маъруза қилди. Аввалроқ, вилоят маслаҳати раиси Нурали Алмаханули қарори билан муваққат комиссия ташкил этилиб, унинг аъзолари уран ишлаб чиқариш муассасалари фаолияти билан танишган эди.

Шунингдек, 2023 йили сессияда имзоланган шартнома қайта кўриб чиқилиб, минтақанинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига жалб этилган сармоя ҳажминини 2 фоизга ошириш таклиф қилинган эди. Бугунги кунда ушбу таклиф уран ишлаб чиқариш компаниялари томонидан маъқулланиб, тўловлар 1 миллион АҚШ долларгача оширилди. Шунингдек, ер ости бойлиқларидан фойдаланишга доир шартномаларга ўзгартиришлар киритилмоқда. Тадбирда Бош директор Қуаниш Ҳамрабеков журналистларнинг саволларига жавоб берди.

Вилоят ҳокими Нуралхан Кўшеров “Қазатомөнеркәсіп” раҳбариятига қатор таклифлар билдириб, Туркистон шаҳрини ривожлантиришга қаратилган ижтимоий

лоийҳаларни қўллаб-қувватлашга қақирди. Минтақа раҳбари дунё бўйича уран ишлаб чиқаришнинг 40 фоизи ушбу компанияга тегишли эканлигини таъкидлади. Шунингдек, кадрлар тайёрлаш мақсадида ўқув муассасаларини ташкил этиб, уларга малакали мутахассисларни жалб этишни таклиф қилди.

Сессия кун тартибидида “2025-2027 йилларга мўлжалланган вилоят бюджети тўғрисида” вилоят маслаҳатининг 2024 йил 13 декабрдаги 14/180-VIII қарорига ўзгартиришлар киритиш масаласи бўйича вилоят иқтисодиёт ҳамда бюджетни лойиҳалаш бошқармаси раҳбари Қ. Қайипбек маъруза қилди. Депутатлар бошқарма раҳбарига саволлар бериб, тегишли қарор қабул қилинди.

Сессия ишини вилоят ҳокими Н. Кўшеров хулосалади.

“Жанубий Қозоғистон” мухбири.



Вилоят маслаҳатининг навбатдан ташқари ўн олтинчи сессияси ўтди. Сессия аввалида вилоят маслаҳати раиси Н. Абишов янги кадрларни тайинлаш ва «Вилоятда уран ишлаб чиқаришга ажратилган ер участкалари, экологик вазият ҳамда корхоналарнинг минтақа ижтимоий-иқтисодий тараққиётига тўловлар тўғрисида»ги муҳим масалаларни кўриб чиқишни таклиф қилди.

Мазкур масала юзасидан «Қазатомөнеркәсіп» ҲАК» ҲҲнинг Ишлаб чиқариш бўйича бош директори Қуаниш Ҳамрабеков



# ОЧИҚ МУЛОҚОТ – МУАММОЛАРГА ЭНГ ЯХШИ ЕЧИМ



Вилоят маслаҳати депутатларининг 26 мартдан 7 апрель кунларида Ўрдабаси, Ўтрор, Сўзоқ, Байдибек, Саврон туманлари ва Кентов шаҳрида аҳоли олдида ҳисобот йиғилишлари ўтди.

Учрашувлардан кўзланган мақсад – аҳоли муаммоларини тинглаш, долзарб масалаларни ҳал этишга ижобий таъсир кўрсатиш ва бажарилган ишлар ҳақида маълумот беришдан иборат эди.

Йиғилишда вилоят маслаҳати раиси Н. Абишов ва оқорида қайд этилган шаҳар ва туманлардан сайланган вилоят маслаҳати депутатлари Ғ. Райимбеков, Д. Абиш,

М. Манапов, Н. Сейитжанов, Б. Байғараев, М. Турисбеков, Ғ. Маликова, Ғ. Қапалбаев, Б. Сулейменов, Қ. Жантўреева, Т. Садуов, Б. Байғараевлар иштирок этиб, ҳисобот даврида амалга оширилган ишлар ҳақида маъруза қилди.

Депутатлар аҳолининг мурожаат ва таклифларини тинглаб, саволларга жавоб бердилар. Қатор масалаларни назоратга олиб, тушунтириш ишлари олиб борилди.

Ўз навбатида, вилоят маслаҳати раиси Н. Абишов аҳолига



Вилоят маслаҳати.

# ХАЛҚАРО ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Уюшган жиноятчиликка қарши иш-ҳаракат Агентлиги (матн давомида – Агентлик) “Anti-Corruption Excellence Award” Халқаро мукофотида Қозоғистондан номзодларнинг иштирокини таъминлаш борасида иш олиб борилмоқда.

Мазкур соврин уюшган жиноятчиликка қарши иш-ҳаракат соҳасидаги илғор тажрибани эътироф этиш ҳамда илгари суриш мақсадида шайх Тамим ибн Хамад ал-Тани номидан таъсис этилган.

Номзод сифатида шахслар ва ташкилотлар тавсия қилинади. Уларни давлат ва нодавлат тузилмалар, илмий-тадқиқот марказлари ёки халқаро ташкилотлар тавсия қиладди.

Ўзини ўзи тавсия қилишга йўл қўйилмайди – номзод фақат ташкилот томонидан тавсия қилинади.

Аризалар фақат расмий онлайн-платформа ([www.aceaward.com](http://www.aceaward.com)) орқали қабул қилинади.

Тавсия қилувчилар номзодларнинг ютуқлари тўғрисида тўлиқ ахборот ва тасдиқловчи ҳужжатларни тавсия қилиши лозим. Барча тавсия қилинган номзодлар ёпиқ турда кўриб чиқилади.

Аризаларни қабул қилиш 2025 йил 30 сентябрга қадар давом этади.

Шайх Тамим ибн Хамад ал-Тани номидаги “Anti-Corruption Excellence Award” мукофоти тўрт асосий номинация бўйича берилади:

- Академиявий таҳлиллар ва таълим – уюшган жиноятчиликка қарши таҳлиллар ва таълимга қўшган муносиб ҳиссаси учун.
- Журналистика ва ОАВ – уюшган жиноятчиликни чуқур таҳлил қилиб, эълон қилинган энг яхши журналистик ишлар учун.
- Шахсий муваффақиятлар – аҳамиятли уюшган жиноятчиликка қарши ташаббусларни кўтарган фуқароларга.
- Новаторлик услублар ва технологиялар – уюшган жиноятчиликка қарши курашга мўлжалланган янги воситалар ва қарорларни тайёрлагани учун.

Барча номзодлар қуйидаги мезонлар бўйича баҳоланади:

- Моҳияти – номзоднинг уюшган жиноятчиликка қарши курашга аниқ ва сезиларли таъсири.
- Новаторлик – янги усуллар ва ёндашувларни қўллаши.
- Барқарорлиги – ишнинг узоқ муддатли натижага йўналтирилиши.
- Доираси – таклиф қилинган ғоялар ва усулларнинг бошқа мамлакатлар ва минтақаларда қўлланиш имконияти.
- Этика ва холислиги – номзод хизматининг юқори этика андазаларга мувофиқлиги.

Ғолиблар 2025 йил декабрь ойида ўтадиган тантанада тақдирланиб, махсус соврин ва ҳайкалчага эга бўлади.

»» Акс-садо

## ҲАМЖИҲАТЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

Навбатдаги Миллий курултойнинг IV мажлиси Бурабайда ўтди. Ушбу анжуман ажойиб кун – Ҳамал куни ўтиб, уни Давлатимиз Раҳбари миллий бирдамлигимизнинг рамзи сифатида нишонлади. Бу байрам Қозоғистонда истиқомат қилаётган барча этнослар ўртасидаги ҳамжиҳатлиқни кучайтиришнинг ажойиб намунасидир.

Ёшларнинг миллий анъаналарга бўлган қизиқишини орттириш мақсадида мактаблар ва ОТМларда махсус тадбирлар ўтказилса, нур устига нур бўларди. Ваҳоланки, ёшлар миллий қадриятларимизни эъозлашни ўрганишлари жоиз. Жорий йилги курултойнинг ўзгачалиги шундаки, Президентимиз маърузасида маънавий поклик ҳамда миллий ўзликни сақлаб қолишнинг муҳимлигига алоҳида тўхталди. Бунинг учун оиладаги тарбия муҳим аҳамият касб этади, бу эса таълим тизими ва маданиятга алоҳида эътибор қаратиш жоизлигини кўрсатмоқда. Қандай қилиб, ёшларимизнинг миллий қадриятларга қизиқишини ошириш мумкин? Бунинг учун адабиёт ва санъатга, миллий меросимизга асосланган лойиҳаларни ривожлантириш муҳимлигини таъкидламоқчиман. Қозоғистон халқи Ассамблеяси ушбу йўналишда этнослараро тотувлик ва бағрикенгликни амалга оширилаётган лойиҳалар, турли этносларнинг маданий меросини ягона майдонда тарғиб қилиш орқали маънавий бирлиқни мустаҳкамлаб келмоқда.

Замонавий технологиялар



тараққиётига келсак, Давлатимиз раҳбари сунъий заковатни иқтисодиётнинг барча соҳаларига татбиқ этиш зарурлигини алоҳида таъкидлади. Табиийки, бу бежиз эмас. Сунъий заковат тараққий этган мамлакатлар ўртасида рақобат ҳам кучаяди. СЗ кўплаб соҳаларга татбиқ этилса, унинг самарадорлигини ошириш имконияти ҳам юксалаверади. Масалан, уни таълим соҳасига жорий этсак, тизимда янги имкониятлар эшиклари очилиши аниқ. Уни тиббиёт йўналишига жорий этсак, турли хасталиклар эрта аниқланиши билан беморларга катта ёрдам берган бўламиз. Президентимиз бу йўналишда аниқ бир тараққиётга эришишни таъкидлаб, ушбу соҳа тизимли равишда ривожланса, юртимиз Марказий Осиёдаги технология етакчисига айланади, рақамли иқтисодиётнинг янги шакли юзага келади.

**Шерзод ПҮЛАТОВ,**  
**Миллий курултой аъзоси,**  
**Астана шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси.**

»» Молиявий саводхонлик – давр талаби

## Эҳтиёт бўлинг, молиявий эҳром!

Қозоғистон Республикаси Бош прокуратураси ўзининг “Фейсбук” ижтимоий тармоғидаги саҳифасида мамлакатимиз фуқароларини молиявий эҳромлар тузоғидан эҳтиёт бўлишга чорлади.

«Молиявий эҳромлар фарибгарликнинг инсонларга энг жиддий иқтисодий ва маънавий зарар етказадиган, шу билан бирга, жажанда кенг тарқалган турларидан бири ҳисобланади.

Бундай фарибгарлик тузоғи минглаб, юз минглаб, ҳатто миллионлаб фуқароларни ўз домига тортиши туфайли ҳар қандай жамият учун ўта хавфлидир. У жамиятда беқарорликнинг келиб чиқишига, жабрдийдаларнинг давлат сиёсатидан норозилигига, кенг кўламли ижтимоий портлаш юзага келишига сабабчи бўлиши мумкин», дейилган прокуратура баёнотида.

Қуйида молиявий эҳромларнинг фарибгарлик белгиларини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Молиявий эҳром пул маблағларини доимий равишда жалб қилиб турган ҳолда тузилма иштирокчиларини даромад билан таъминлаб туриш демакдир. Унинг бошқача номи сармоявий эҳром деб юритилади. Бунда биринчи иштирокчининг даромади иккинчи ва бошқа иштирокчиларнинг пул маблағлари ҳисобидан таъминланади.

Бу даромадларнинг манбаи кўп ҳолларда кўрсатилмайди. Ёки сохта номлар билан декларация қилинади. Бу – фарибгарликдан бошқа нарсас эмас.

Таомилга кўра, молиявий эҳром ташкилотчилари мижозларга ваъда қилинган пулларни қайтаришнинг имконияти йўқ. Одатга кўра, молиявий эҳромлар тижорат муассасаси сифатида рўйхатдан ўтади ва қандайдир лойиҳани молиялаштириш баҳонасида маблағ тўллаي бошлайди. Агар лойиҳанинг ҳақиқий даромади мижозларга берилган ваъдалардан кам бўлса, ёки умуман даромад кўрилмайдиган бўлса, у ҳолда сўнгги мижозларнинг маблағлари биринчи мижозларга берилади. Яъни, Алининг қалпоғи Валига кийдирилади. Бунинг охири-охири лойиҳанинг касода учраши билан якунланади. Оддий сўз билан айтганда, энг сўнгги аъзо бўлган мижозлар молиявий эҳромга киритган сармояларидан маҳрум бўлади.

Молиявий эҳром фаолияти қанча узоқ давом этса, мижозларга пулларни қайтариш имкониятлари ҳам камайиб бораверади.

Молиявий эҳромлар кўплаб мамлакатларда қонунга зид дея эълон қилинган. Чунончи, АҚШ, Австралия, Австрия, Албания, Бразилия, Буюк Британия, Венгрия, Германия, Дания, Доминикан Республикаси, Эрон, Исландия, Испания, Италия, Канада, Хитой, Колумбия, Малайзия, Мексика, Непал, Нидерландия, Янги Зеландия, Норвегия, Польша, Португалия, Россия, Руминия, Таиланд, Тайвань, Туркия, Украина, Филиппин, Франция, Швейцария, Швеция, Шри-Ланка, Эстония, Жанубий Африка Республикаси, Японияда молиявий эҳромлар фаолияти тақиқланган.

Бирлашган Араб Амирликлари ва Хитойда молиявий эҳромлар ташкил этиб, фаолиятини юритганлар ўлим жазосига ҳукм қилинади.

Қозоғистонда молиявий эҳром ташкил қилиш (уни бошқариш) ҚР ЖКнинг 217-моддаси бўйича жиноий жавобгарликка тортилади.

Молиявий (сармоявий) эҳромларни реклама қилиш ва тарқатиш ҚР МҲКнинг 150-моддаси бўйича маъмурий жавобгарликка тортилади.

ҚР Бош прокуратураси маълумотлари асосида.

»» Шарафли касб фидойилари

## ЗАМИННИ ЭЪЗОЗЛАГАН ИНСОН

Кенжабой Бадалов – оиласининг шуҳрати ва шарафини улуглаб, қишлоқда эҳтиром ва ҳурматга сазовор қилган, фарзандларини муносиб инсон сифатида вояга етказган отахон. У илгари моҳир педогог сифатида эътибор қозонган бўлса, ҳозир ҳамқишлоқлари тажрибали деҳқон, зироатшунос ва тадбиркор сифатида билишади. Яқинда устоз туман ҳокимининг фахрий ёрлиғи билан тақдирланди.

– Кенжабой Садирбой ўғли, ўқитувчилик касбини негатанлагансиз? – сўраймиз устоздан.

– Ҳар бир миллат, ҳар бир халқнинг тараққиёт даражаси, яъни камолоти олтин умушлар, дуру жавоҳирлар билан эмас, балки унинг олиму фузалолари, донишмандлари билан, улар кўрсатган садоқати билан ўлчанишини юқори синфда ўқиб юрган кезлари тушуниб етганман. Низомий номидаги давлат педагогика институтининг математика факультетига ҳужжат топширдим. Қабул қилидим, талабалик йилларим бошланди. Устозла-

ва маънавият эгаси сифатида талабаларнинг нафақат билимига, балки уларнинг одоб, ахлоқи, тарбияси, айниқса, миллий қадриятларимизга муносабатига ҳам эътибор қаратди. Домламининг бир ўғити ҳеч ёдимдан чиқмайди. У: «Бирор манбадан илм, ёки билим олмақчи бўлсанг, бу илмни илдизи билан кўчириб ол, бошқа бировга билим бераётганингда ҳам уни илдизи билан кўчириб бер, чунки илдизсиз кўчирилган дарахт узоқ яшамайди», дерди.

К. Бадалов меҳнат фаолиятини Тошкент вилоятининг Қибрай туманида бошлади. Икки йилдан сўнг оилавий шароити-



римизнинг маърузаларини тинглаб, педагогика соҳасига қизиқим янада ортди. Уларнинг, айниқса, академик Қори-Никёзийнинг сермазмун, чуқур илм, аниқ далиллар асосида, жонли оҳангда эътиборга ҳавола қилинаётган муаммонинг мазмун-моҳиятини моҳирлик билан очиб берган маърузалари хали-ҳануз ёдимда. Дарс пайтида залда сув қуйилгандек жимлик ҳукм сурарди. Маърузани биз, талабалар бутун вужудимизни қулоққа айлантирган ҳолда тинглаб, дафтаримизга ёзиб олардик. Устоз олий маърифат

га кўра юртига қайтиб келди ва нафақага чиққунга қадар она қишлоғидаги Киров (ҳозирги Ал Форобий) номли ўрта мактабда муаллимлик қилди. Лекин нафақада ҳам ишсиз ўтиришни ўзига эп кўрмади. Зироатчилик ва деҳқончилик билан шуғулланди. Отасидан пайвандлаш сир-асрорларини ўргангани кўл келди. Вақт топиб илмий наشرларни муталаа қилишдан чарчамайди.

– Давлат раҳбари Миллий курултойда илгари сурган масалалар ҳақида фикрингиз... – Миллий курултой адолат-



ли Қозоғистон концепциясида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга қаратилган. Бу дастур мамлакатимиз аҳли учун ютуқ ва муваффақиятлар, юксалиш ва тараққиёт, бунёдкорлик ва яратувчанликни ўзида мужассам этгани билан барчамиз учун қадрлидир. Президент Мактублари ва мурожаатларида қишлоқ хўжалиги ва тадбиркорликка алоҳида эътибор қаратади. Миллий курултойда ҳам фаровон ҳаёт, юртимиздаги бунёдкорлик, эртанги кунга ишонч келажакимиз эгаларининг ўз орзу-интилишлари йўлида собитқадам бўлишларига ундади. Мустақиллик туфайли турмушимиз фаровонлашди. Бунинг бунёдкорлик ишларида ҳам кўриш мумкин. Мана шу диёрда, мана шу қишлоқда туғилиб-ўсганим ва эл-юрт қорига камарбаста бўлганимдан ўзимни бахтли ҳисоблайман. Қишлоғимизнинг тупроғи серҳосил, одамлари меҳнатга ҳамдам, суви, табиатида ҳикматлар жамул-жам, мўъжизакор замин. «Нега?», дейсизми? Боиси, бу заминда вилоятимизнинг ҳеч бир туманида учрамайдиган, таровати, маҳобати ўзгача боғ-роғлар, бири-биридан обод маҳаллалар, осмонларни кучаётган азим теракзорлар бор. Шинам, озода кўчалар, эл-юрт фаровонлигидан дарак бериб, ҳосил тўплаётган полиз-у сабзавот пайкалларининг барқ уриб тургани-чи!

Шундай, бу элни улуг қилган ҳам халқимизга хос меҳнатқашлик, юртга фидойилик, ўзаро меҳр-оқибат. Ана шу туйғулар боис, бу заминда 100 билан юзлашаётган феъли кенг, кўнгли очик инсонлар умргузаронлик қилишади. Ана шундай пир-у бадавлат инсонлар борлиги учун фидойилар обод этган бу заминнинг одамни ўзига жалб қиладиган оҳанрабои, фариштаси бор.

Устоз билан суҳбатимиз турли мавзуларда узоқ давом этди. Бугунги кунда ёшлар учун яратилаётган шароитлар, оиладаги муҳит, фарзандлар тарбиясидаги жиҳатлар, сиёсий жараёнлар суҳбатимиз мавзусига айланди. Ўтмишни хотирлаш, замон билан ҳамнафас бўлиш, келажакка эътибор қаратиш каби ажойиб ҳислатлар у кишида мужассам. Унинг суҳбатидан баҳраманд бўлган одам маънавий озуқа олади.

– Аиримлар нафақага чиқиб, кўчага чиқмай қўйишади. Мен деҳқончилик қилиб ҳаловат топаман. Халқимизнинг «Меҳнат инсонни улуглайди» деган нақлига амал қилган ҳолда оиламиз ва жамиятимизга нафимиз тегаётганидан хурсандман.

**Тасвирларда:** Тўлебий туман ҳокими Еркеғали Алимқулов Кенжабой Садирбой ўғлига фахрий ёрлиқ топширмоқда; оила даврасида.

А. АБДУФАТТОҲ.

### Извещение

Р-н Сауран 09.04.2025 г.

о проведении общего собрания участников ТОО «КТ «Туран-Несие»

- Дата и время проведения собрания – 24.04.2025 г., 10-00 часов
- Место проведения собрания – РК, Туркестанская область, р-н Сауран, с.о. Карашык, с. Карашык, ул. Улыкбек №2.

В повестке дня:

- В связи со здоровьем Председателя Правления ТОО «Кредитное товарищество «Туран-Несие» было написано заявление на увольнение по собственному желанию и назначение нового Председателя Правления ТОО «Кредитное товарищество «Туран-Несие»;
- Внесение изменений в состав членов правления ТОО «Кредитное товарищество «Туран-Несие»;
- Внесение изменений в состав кредитной комиссии ТОО «Кредитное товарищество «Туран-Несие»;
- Об Утверждении Штатного расписания 2025 года;
- Утвердить ВНД в последней редакции 2025 года;
- В связи с Переизбранием Председателя Правления, ТОО «Кредитное товарищество «Туран-Несие» обратиться в органы юстиции для перерегистрации;
- Направить уведомление об изменении Председателя правления ТОО КТ «Туран-Несие» финансовым институтам, органам регистрации, а так же уполномоченным органам;

## МАРДЛИК ШУҲРАТИ МАНГУ



УВУ йилларида фронтга Югнак қишлоғидан 265 фуқаро сафарбар этилган. Уларнинг 153 нафари жанг майдонларида Ватан учун жонларини фидо қилишди.

Буюк Ғалабадан сўнг қадрдон қишлоғига 112 нафар ҳамқишлоғимиз ёруғ юз билан кириб келишди. Ҳозирги кунда улардан орамизда ҳеч ким қолмади, лекин хотиралари барҳаёт. Туркистондаги Ғалаба истироҳат боғида уруш фахрийларига ўрнатилган улкан ёдгорлик мажмуасига қишлоғимиз фаоллари билан таширф буюриб, Қуръон тиловат қилиш анъанага айланган. Бир

неча йил муқаддам зиёрат чоғида тушган суратимизни кўздан кечирав эканман, Чипон қишлоғи фахрийлари оламдан ўтган Ҳалиллоҳ Абдукаримов, Бахтиёр Исаевларни эҳтиром ила ёдга олдим.

Ўтганларнинг охиратлари обод бўлсин!

**Жумадулла АБЕНОВ,**  
**Чипон қишлоғи УЭМБ раиси,**  
**Саврон туманининг фахрий фуқароси.**

Ш. МАДАЛИЕВ суратга олган.

»» Хушхабар!



Туркистон яқинидаги қадим Қорачиқ қишлоғи фарзанди, Кўкшетаудаги Билим-инновация лицейи математика фани ўқитувчиси Жумадулла Суннатулла ўғли Абдулхаков математика фанидан республика танловида фахрли 2-ўринга ноил бўлди.

## ЗИЁЛИ ЁШЛАР – ПОРЛОҚ КЕЛАЖАК ТАЯНЧИ



Жумадулла ўтган 2024 йил натижасига кўра, математика йўналиши бўйича республикада «Энг илғор ўқитувчи» дея тан олинган эди.

Саид ХАЙРУЛЛОҲ.

# ОНА ТИЛИМИЗ ЖОНКУЯРИ ЭДИ...



1924 йили сентябрда Чўрноқ қишлоғида таваллуд топган Абдуманнон Отанов (тасвирда) 18 ёшга тўлгач, Ватан ҳимояси учун қўлига қурол олди. Самарқанддаги ҳарбий мактабни тамомлагач, 1943 йили ҳаёт-мамот жанглирида иштирок этди.

223-ўқчи дивизия таркибидаги 684-артиллерия ҳарбий қисмида хизмат қилди. Украина, Молдавия, Руминия, Югославия, Венгрия, Австрия шаҳарларини душмандан озод этишда жасорат кўрсатди. Буюк Ғалабани Авст-

рияда кутиб олди. Қадрдон юртига 1946 йили қайтиб келганида кўксини ўнлаб орден ва медаллари безаб турганди.

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетини тамомлади. Фрунзе номли мактабда 43 йил ўзбек тили ва адабиётидан дарс берди. Ёш авлодни она тилига ҳурмат ҳамда иймонли, ватанпарвар этиб тарбиялаш баробарида жамоат ишларида фаол иштирок этди. Умр йўлдоши, қаҳрамон она Зайнаб ая билан қобил фарзандлар Хуршида, Лайло, Баҳодир, Дилором, Гулчеҳра, Баҳром, Хулкар, Қодир, Нодир, Собирларни тарбиялаб вояга етказди. Ширин-шакар неваря-эвара, чеваралар кўрган пири бадавлат оила соҳиби сифатида ҳамиша эъзозда эди.

Унинг исми-шарифи туркистонлик собиқ жангчилар учун ўрнатилган мармар деворга зарҳал ҳарфлар билан битилган. Ватанимизни ҳимоя қилган, бугунги фаровон ҳаёт учун қон тўккан қадрдон юртдошларимиз хотираси қалбларда барҳаёт.



Ўрта мактабда ўқиш баробарида қишлоқдаги Тельман номли жамоа хўжалигида меҳнат қилди. 1943 йили кўнгиллилар қаторида урушга отланди. Украина fronti таркибида 135-ўқчи дивизияси 390-полкида взвод командири бўлди. 1944 йили 11 апрелда Украинанинг Тернополь шаҳри ҳудудида ҳаёт-мамот жангида оғир жароҳатланди. Тўрт ой ҳарбий госпиталда даволангач, қадрдон ҳарбий қисмида душманга қарши жангларда иштирок этади. Буюк Ғалабани Прага шаҳрида қарши олади. Фронтдаги жасорати учун “Улуғ Ватан урушида Германия устидан қозонилган ғалаба учун”, “Кенигсбергни озод этгани учун”, “Прагани озод этгани учун” каби кўплаб жанговар медаллар билан тақдирланган. Ҳарбий хизмат чоғида кичик лейтенантлар курсини аълога тамомлайди. 1946 йили заҳирадаги зобит сифатида истеъфога чиқади.

Тошкент тиббиёт институтини муваффақиятли тамомлаб, давлат йўланмаси асосида Хоразм вилоятида шифокорлик фаолиятини бошлайди. Вилоят касалхонасида 1957-1964 йиллар оралиғида даволаш ишлари бўйича

# ХОРАЗМГА ТАНИЛГАН ҚАРНОҚЛИК ШИФОКОР

Қарноқда бир аср муқаддам, 1925 йил 30 декабрда хунарманд уста Қурбон Амиртўра ўғли ва Ҳалича Бойиш қизининг пири бадавлат хонадонида дунёга келган, УВУ даврида Ватанни мардларча ҳимоя қилган, ғалабадан сўнг Тошкентда тиббиёт институтида ўқиб, шифокор сифатида Хоразм вилоятида самарали меҳнат қилган, эл эъзозига сазовор таниқли шифокор Абдурахмон Қурбонов (тасвирда) менинг қадрдон амаким бўлади.



бош шифокор ўринбосари лавозимида самарали фаолияти давомида икки йиллик ҳамширалар тайёрлаш курси раҳбари бўлиб ҳам ишлайди. Шу йилларда Москва, Ленинград, Тошкент шаҳарларида урология ихтисослиги бўйича малакасини орттиради. 1964 йили Хоразм вилоят касалхонасида илк бор урология бўлимини очиб, унга мудирлик қилади. Хоразм минтақаси экологияси таъсири доирасида кўп учрайдиган урология хасталикларини даволашда самарали меҳнати билан танилади.

Минтақада урология хасталигини даволаш соҳаси асосчиси сифатида ҳурмат-этиборга сазовор бўлади. Кўплаб беморларни оғир дардлардан халос этади. Самарали меҳнатлари вазирлик ва ҳукумат томонидан муносиб баҳоланиб, 1966 йили СССР Олий Совети Президиуми қарорига биноан, “Меҳнат Қизил Байроқ ордени”, “Ўзбекистон соғлиқ сақлаш аълочиси” унвони ҳамда Ўзбекистон Олий Кенгашининг фахрий ёрлиғи билан мукофотланган.

Умр йўлдоши Хуринисо Алихўжаева Тошкент Давлат университетини тамомлагач, Урганч шаҳридаги умум-

таълим мактабларида самарали меҳнат қилган тажрибали педагог. Улар қобил фарзандлар Ҳамза, Ҳаким, Ҳамидларни тарбиялаб вояга етказган. Улар ҳозирги кунда Урганч ва Тошкент шаҳарларида нуфузли даргоҳларда меҳнат қилишмоқда. Уруш фахрийси, элда эъзозли тажрибали шифокор Абдурахмон Қурбонов 1982 йил 7 мартда вафот этган.

Ватанни душмандан ҳимоя қилган, эл саломатлиги йўлида фидокорона меҳнат қилган фахрийлар, хусусан, Абдурахмон Қурбонovнинг охираати обод бўлсин.

**Раҳматулла ҚУРБОНОВ,**  
**олий тоифали шифокор.**

»» «Кутубхонага менинг китобларим» акцияси давом этади

# ТУРКИСТОНДАГИ ХАЙРЛИ ТАШАББУС

ЎКИ ШАҲАР ЎЭМБ ВА ВИЛОЯТ “ЎЛЕС” ХАЙРИЯ ЖАМОА ЖАМҒАРМАСИ РАИСИ РАЙИМЖОН ҚҶЧҚОРОВ БОШЧИЛИГИДА  
ФАОЛЛАР АМАЛГА ОШИРАЁТГАН КЎЛАМДОР ИШЛАР



Туркистон шаҳридаги Ҳабибулла Маннопов бошчилик қилаётган “Бирлик” кичик туманидаги Тўлқин Маҳкамбоев раҳбарлигидаги “Бирлик” умумтаълим мактабида шаҳар ЎЭМБ сайёр йиғилиши ўтиб, кун тартибидаги асосий вазифалар белгиланди.

Кичик туман ЎЭМБ раиси Тойир Абдувалиев ва тажрибали устоз Ҳасан Шерметовларнинг таклифлари тингланди. Мактабга атоқли адиб Носир Фозилов номини бериш бўйича жамланган ҳужжатларни вилоят ҳокимлиги ва “AMANAT” партияси



тавсияси билан шаҳар ҳамда вилоят ономастика комиссияларига мактаб ўқитувчилари умумий йиғилишининг баённомаси билан топшириш лозим. Қўлам келди, тўйлар мавсуми бошланди. Тадбирларда овоз кучайтиргичлар ўрнатиб, аҳоли тинчлигини бузиш маданиятдан эмаслигини яна бир қарра эслатамиз. Давлатимиз сўхмўрлиги шарофати билан хуссий тадбиркорлар кўплаб янги мактабларни барпо этмоқда. Шу мактаблардаги кутубхоналарни бадий адабиётлар билан таъминлаш борасида кўп хайрли ишлар бажарилди. Яъни, шаҳар маслаҳати депутати, 40 нўсха “Жанубий Қозоғистон” вилоят газетасининг доимий ҳомийси Дониёр Аюпов 700га яқин қозоқ, ўзбек, рус тилидаги китобларни “Арман М-school” номли мактаб директори ўринбосари Шоира Анорбоева ҳамда “Бирлик” умумтаълим мактаби директори Тўлқин Маҳкамбоев орқали таълим даргоҳлари кутубхоналарига тўхфа қилди.



Фаол отахонлар Тўлқин Саидмуродов, Мақсуд Ғайбуллаев, Хусан Убайдуллаев ҳамда “Жанубий Қозоғистон” вилоят газетаси тахририяти янги мактабларга жами мингдан зиёд бадий китобларни тақдим этганлиги шонли тарих. Ушбу эзгу анъана давом этади. Раис Райимжон Қўчқоров Тошкент шаҳридан бир миллион тенгега янги бадий китоблар хатта қилди.

**Тасвирларда:** Сайёр йиғилиш иштирокчилари; шаҳар маслаҳати депутати Дониёр Аюпов “Арман-М school” мактабига шахсий кутубхонасидан китоблар топширмоқда; депутат Дониёр Аюпов шахсий кутубхонасидан Бирлик мактаби директори Тўлқин Маҳкамбоевга китоблар топширмоқда.

Муаллиф суратга олган.

»» Обуначиларимиз орасида

# “ҚЎШҚЎРҒОН” УМУМТАЪЛИМ МАКТАБИДА



Саврон тумани Ўранғай қишлоғига қарашли “Қўшқўрғон” умумтаълим мактабида фаол обуначимиз, директор Меҳринсо Иззатуллаева (тасвирда) билан мулоқотимиз келгуси ярим йиллик обунаси ҳақида кечди.

ҚР “Дўстлик” ҳамжамияти ҳамда “Жанубий Қозоғистон” вилоят газетаси тахририятидан давлатимиз сиёсатини она тилимизда 34 йилдан буён тарғиб этаётган қадрдон нашр обунасини уюшқоқли ташкил этиш ҳақидаги илтимос битилган мактублар билан танишган директор 2025 йилнинг иккинчи ярмига биринчи ярим йилликдадек 50 нўсхани давом эттирилишини маълум қилди.

Ушбу мактаб ўқитувчиси, шоир Журъат Мирзахонов 42, қишлоқ фахрийлар кенгаши раҳбари Йўлдош Қосимов ва шоир Почтахон Бобожоновлар 10 нўсхадан обунани билан доимий равишда қўллаб-қувватлаётганини мамнуният билан қайд этамиз.

# ЯССИ ҚИШЛОҒИДА ҲАМЖИҶАТЛИК БАЙРАМИ

Саврон тумани ЎЭМБ раиси Қурбонбой Ирисбеков билан Сиздиқ Пирметов раҳбарлик қилаётган Ясси қишлоғи марказидаги Қабанбай батир номидаги истироҳат боғида ташкил этилган Наврўз сайлида иштирок этдик.

Қишлоқ фахрийлар кенгаши раҳбари Убайдулла Исоқов тадбирга қишлоқда 1977, 1989 ва 2001 – Илон йили мучалида таваллуд топган фидойи йигитлар, хусусан, Анвар Жумадуллаев, Рустем Дуйсенов, Қалжигит Қалдибайули, Салоҳиддин Абдураимов раҳбарлигидаги ҳимматли фуқаролар ҳомийлик қилганини фахр билан тилга олди.

«Жанубий Қозоғистон» вилоят газетаси



си тахририяти номидан фаол обуначиларимизга ташаккурномалар ҳамда Ёнбекши дихан қишлоғи равнақиға муносиб ҳисса қўшган Асилхан Керимбаевга “Ўнегелі азамат” кўкрак нишони тақдим этилди.

Қишлоқ ҳокими С. Пирметов “Жанубий Қозоғистон” газетасининг келгуси ярим йиллик обунасини ташкил этиш учун мактаблар, ташкилотлар, жамоат иштирокида йиғилиш ўтказилишини маълум қилди.

**Тасвирларда:** тадбир иштирокчилари; қишлоқ ЎЭМБ раиси Ганишер Неъматов.

Муаллиф суратга олган.



Саҳифани Ш. МАДАЛИЕВ тайёрлади.

»» Авлодлар бирлиги ва ворисдошлиги

# Элтой авлодининг ҳамжиҳатлиги

*Билинг, ғаниматмиз бир-биримизга,  
Дунёда меҳрдан кучли нима бор?  
Ширин сўз айтишдан тўхтаманг зинҳор,  
Бизни боғлаб турсин меҳр ва дийдор.*

Ҳар бир оилада ўтмишни хотирлаш, аجدодларга ҳурмат ва эъзоз кўрсатиш муқаддас анъанадир. Сўлим Қорабулоқ қишлоғида ана шундай улугвор урф-одатларни ёдга солувчи ибратли ва намунали тadbир ўтди. XIX аср бошида бу юртда яшаб, ўз замонасининг обрўли шахсларидан бири бўлган Элтой отанинг авлодлари катта дастурхон атрофида йиғилиб, бирлик ва ҳамжиҳатлик руҳида ўтганларни хотирлаб, келгуси режаларни белгилашди.

Элтой отанинг номи берилган кўчада жойлашган, марҳум Орифжон Элтоев ва Санобар Ваҳоб қизи хонадонида уюштирилган ушбу тadbбирда шажарадаги 10 ака-укадан таралган авлодлар иштирок этди. Мулоқотнинг асосий мақсади – аجدодлар руҳига Қуръон бағишлаш, авлод ёшларини бир-бирлари билан таништириш, оилавий ва миллий қадриятларни мустаҳкамлашдан иборат эди.

Ташаббускорлар – Элтой отанинг тўнғич фарзанди Саъдулла Элтоевнинг фарзанди, Қорабулоқ қишлоғи фаолларидан, маҳалла кўмитаси раиси Исроилжон Элтоев ғояси ва раҳнамолигида унинг оила аъзолари, ака-ука, амакиваччалари Озодбек, Тоной, Қахрамон, Абар, Қобил, Акбар, Равшан, Ойбек, Учқун, Баҳодир, Ғофир, Феруза (марҳум Наврўз шифокорнинг рафиқаси), Абдуҳошим Элтоевларнинг саяй-ҳаракати ҳамда Нурой, Санобар, Баҳриниса ая ва бошқа қиз-келиндарнинг хизматлари бекиёс бўлди. Учрашув нафақат эркаклар доирасида, балки бутун авлод – оналар, қизлар, неваралар ва ёшларни қамраган ҳолда кенг самимий муҳитда ташкил этилди.

Этиборлиси, қариндош-уруғлар Қорабулоқ ва ён-атрофдаги қишлоқлардан, олис масофадаги Бишкек, Тошкент шаҳарларидан ҳам ташриф буюришди. Иброҳимжон ота ва Муборак ая, Дилбар ая, Новзод акалар, Шимкентдан Муминжон отанинг фарзандлари Акбаржон, Улуғбек, Элмира ва бошқалар ҳам авлод бутоклари сифатида ташриф буюришгани қалбларни жунбушга келтиргани ҳақиқат. Узоқ йиллар кўришмаган, бир-бирини танимаган қариндошлар бир дастурхон атрофида ўтириб, “Биз бир дарахтнинг бутокларимиз!” деган гап мазмунини қалбдан ҳис этишди.



## ЭЛТОЙ ОТАНИНГ ҲАЁТИ ВА МЕРОСИ

Элтой ота – Қорабулоқ қишлоғидаги намунали маҳалла раиси, меҳнатсевар деҳқон ва оилапарвар инсон сифатида ном қозонган. У рафиқаси билан 10 ўғил тарбиялаб, улар орқали катта авлодни камолга етказишди.

Элтой отанинг ҳалол меҳнати, оилапарварлиги ва жамоат ишларидаги фаоллиги сабабли, номи абадийлаштирилиб, қишлоқдаги ўзи обод қилган кўчалардан бирига “Элтой бобо” номи берилган. Бу эса унинг авлодлари ва маҳалла аҳолиси учун фахр ва ифтихордир.

– Бир замонлар ҳозирги “катта уй” жойлашган ҳудуд бийдай дала ва чалаказордан иборат эди. Отаҳоннинг меҳнатсеварлиги ва иродаси ила бу ерларни ободонлаштиришга бел боғланди. Ер ўзлаштирилиб, ёввойи бутазорлар йўқотилгач, унумдор майдонга айлантирилди ва катта боғ барпо этилди. Шу боғ бағрида уй қуриб, оиласи билан ҳаёт кечиришни бошлади. Вақт ўтиши билан бу ҳудуд



гўзал ва файзли маҳаллага айланди. Элтой отанинг авлодлари ва бошқа аҳоли ҳам шу ерда ўз хонадонларини барпо этиб, маҳалла равнақиға ҳисса қўшдилар. Қорабулоқ қишлоғиға серғайрат инсон Фахриддин Қоратоев ҳоким этиб сайланганида, ушбу кўчалар янада ободонлаштирилиб, Элтой бобо номи билан аталди. Биз, Элтой бобо авлоди ака-укалари, ҳар йили бу кўчаларни ободонлаштириб, кенгайтириб, таъмирлаб, асфальт тўшаб келаямиз, бу ишлар келажакда ҳам давом этаверади, – дейди Исроилжон Элтоев.

## ХОТИРА ОШИ – БИРЛИК ВА ҚАДРИЯТЛАР РАМЗИ

Элтой авлодининг бошқўшув - мулоқотиға бағишланган худойи шукуҳли ва самимият билан ўтказилди. Тadbбир давомида катта қозонда ош дамланиб, меҳмонларға тортилди. Бу нафақат таом, балки бирлик ва меҳр-

*“Биз келажакни яратиш  
учун илдиэларимизни унут-  
маслиғимиз керак. Илдиэ  
бор жойда, барча нарса бар-  
давом”.*



залворлиғиға, Исроилжон Элтоев раҳнамолиғида уюштирилган ўзига хос мулоқот майдони эканлиғиға, ушбу намунали бошқўшув ёшларға умр йўлларида йўл-йўриқ кўрсатиб, маънавий маёқ бўлишиға урғу бердилар.

– Биз авлодларимизға тарихимизни, қадриятларимизни ўргатишимиз керак. Ҳар бир ёш ўзининг кимлиғини, авлоди ким эканлиғини билиши лозим. Ҳар бир авлод вакили зиммасидаги масъулиятни ҳис қилиши даркор. Шу боис биз – катталар, ёшларға насиҳат бериб, уларнинг ҳаётида тўғри йўлдан боришларини таъминламоғимиз даркор, – дейди Тошкент шаҳридан ташриф буюрган ижодкор, шоир, ажойиб шеърйи тўпламлар муаллифи Иброҳимжон Мирабдуллаев.

Худойдан сўнг, ўтган ота-бо-

*“Авлоднинг зулфи-  
ни бир-бириға боғлаб  
турадиган арқон – бу хо-  
тира ва қадриятдир”.*

болар, момолар руҳиға бағишлаб Қуръон тиловат қилинди, руҳларига дуолар ўқилди.

Онаҳонлар – Карима, Нурой, Санобар аялар бошчилиғида Турсуной, Манзура, Қурбоний, Ҳалима, Ҳуриниса, Нигора ая ва бошқалар катталар елкасига чопон ёпиб, самимий миннатдорчилик туйғуларини изҳор этдилар. Бу оилавий қадриятларға бўлган ҳурматнинг ёрқин ифодаси эди.

Тadbбирдаги яна бир ёрқин жиҳат – ёшлар ўз авлодларини унутмасликлари учун барча авлод вакилларининг тарихи ва бугуниға оид фотоальбом – рисола тайёрланиб, ҳар бир хонадон соҳибларига топширилди. Ушбу ташаббус ёшларнинг ўз илдиэларини эслаб, оилавий тарих ва анъаналарни сақлашларига хизмат қилади.

Тadbбир сўнггида ёшлар ўртасида қўл кураши ва турниқда тортиниш бўйича мусобақалар ўтказилди.

Спорт тadbбирлари ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш билан бирга, киморбозлик ўйинларига қарши курашда ҳам муҳим аҳамият касб этади, уларни зарарли одатлардан муҳофаза қилади.



оқибат рамзи сифатида барчани бир дастурхон атрофида жамлади.

Исроилжон Элтоев сўзга чиқаркан, бутун авлод вакилларининг биришганидан мамнунлиғини изҳор этди. У ёшларни бир-бири билан таништириб, келажакда ҳам шундай ҳамжиҳатлиқни сақлаш, таъминлаш, етти отасини билиш ва авлод тарихидан воқиф бўлишнинг муҳимлиғини таъкидлади. Шунингдек, авлод катталари эл-юрт тараққиётига залворли ҳисса қўшган прораб Раимқул Пирназаров, ўзбекистонлик шоир Иброҳимжон Мирабдуллаев, “Жанубий Қозоғистон” газетасининг ходими, журналист Муроджон Абубакиров, ҚР Журналистлар уюшмаси аъзоси Нодирхон Тожиметов ва бошқалар сўз олиб, ушбу тadbбирнинг аҳамияти

Бу кун нафақат хотира кун, балки тақдирларни боғловчи, эл-юртини улугўлаган авлоднинг қайта таваллуд кун бўлди, десак, асло муболаға қилмаган бўламиз. Олис ва яқиндан келган қариндошлар ўртасидаги қалб кўпригини тиклаган, бирлик кудратини намоён этган бу тadbбир кўпчилиқда самимий ва унутилмас таассурот қолдирди.

**Элтой ота номини тиклаган, унинг руҳини шод этган, авлодларини бирилаштирган учрашув – ҳақиқий миллат учун ибрат, инсон учун эътибор, авлод учун фахрдир...**

**Малика ЭЛТОЕВА.**

**Тасвирларда:** катта авлод вакиллари бош қўшганда.

## »» Буюк Даштнинг улуғ алломалари

(Давоми. Боши ўтган сонларда).

Не ажабки, самовотдан бир бўғиқ овоз келди. Бу айнан Султон ул-орифиннинг товушига ўшарди. Шайх сесканди. Бояги товуш Хожа Аҳмад Яссавийнинг яқинда битган ҳикматларини дона-дона қилиб такрорлар эди. Шайх кўзларини юмди. Самовотдан келаётган ўз ҳикматлари-га жон қулогини тикди.

Мен йигирма икки ёшда фано бўлдим, Марҳам бўлиб, чин дардликка даво бўлдим, Ёлғон ошиқ, чин ошиққа гувоҳ бўлдим, Ул сабабдин Ҳаққа сиғиниб келдим мано.

Ўттиз бирда Хизр бобом май ичирди, Вужудимдин Азозилни пок қочирди, Савдо қилдим, ёзуқларим Ҳақ кечирди, Андин сўнгра Ҳақ йўлига солди, дўстлар!

Холиқимдин хабар етди, шокир бўлдим, Ҳар ким сўқди, балки тепди, собир бўлдим, Бу оламда ҳеч ухламай ҳозир бўлдим, Ҳою ҳавас, моуманлик кетди, дўстлар.

Ўттиз учда соқий бўлиб, май улашдим, Жоми шароб қўлга олиб, тўя ичдим, Лашкар тузиб, шайтон бирла кўп урушдим, Биҳамдиллаҳ, икки нафсим ўлди, дўстлар. Ўттиз тўртда олим бўлиб, доно бўлдим, «Ҳикмат айт!», деб Субҳон айди, гўё бўлдим, Чилтон бирла шароб ичдим, ҳамро бўлдим, Ичи ташим Ҳақ нурига тўлди, дўстлар.

Ўттиз олти ёшда бўлдим соҳибкамол, Ҳақ Мустафо кўрсатдилар менга жамол, Ул сабабдин кўзим ёшлиғ, қоматим дол, Ишқ ханжари юрак-бағрим тилди, дўстлар.

Олтмиш учда нидо келди «Қул, ерга кир, Ҳам Жонингмен, Жононингмен, жонингни бер, Хув шамширин қўлга олиб, нафсингни қир!», Биру борим, дийдорингни кўрарманму?

Овоз тинди. Шайх кўзларини очди. Бу – кўқдан келган ваҳийдек туюлди унга. Кўксини тимдалаб турган гумонлар чекинган, юрак армони, қалб хоҳиши, дил орзуси ғолиб келган эди. Шайх Яратганга шукрона келтириб, дарёнинг у бетига назар солди. Шу пайт самовий ваҳийни тасдиқлагандек, рўбарўсида оқ либосли, узун бўйли, савлатдор мўйсафид пайдо бўлди. Шайх гоҳо-гоҳо Хизр алайҳиссалом ила суҳбатлик эди. Унинг бошига Марвдагидек мушкулот кўнганда Хизр бобоси имдодга келарди. Бу сафар ҳам табарруқ оқсоқол нажот фариштасидек ўз пайтида юз кўрсатди.

У дарёнинг сўл соҳилида туриб, тўрт калима сўза айтди:

– Аё, Аҳмад, Жаброил мужда келтирди. Магарким, ишқи илоҳийни кўзлаб узлатга чекинмакни ихтиёв этган экансан, муножотингни Ҳақ таоло қабул қилди. Ҳақ Мустафо жаноблари, ўз қавмлари ичидан етишиб чиққан шайхлар менинг умматларим орасидаги набийларга баро-бардир, деб лутф этмиш. Йўлинг ойдин бўлсин, болам...

Хизр алайҳиссалом хуш ғойибдин қандоқ пайдо бўлган бўлса, боз ўшандоқ ҳаволаниб кўздан яширинди.

Шайх оқар сувга термилиб қолди. Бирдан сесканди. Сув бўйида ўғли Иброҳимни кўргандек бўлди. Иброҳим Исфижобда, бобоси Шайх Мусо қошида эди. Ана, у юз-қўлини ювмоқчи бўлиб, анҳорга энгашди. Шу он... ҳирсдай семиз, олакўз, жулдур чопон кийган киши ишшайиб Иброҳимнинг ёнига келди. Келди-ю... «Ҳей бола, сувни яхши кўрасанми? Бор, унда тўйгунингча ич!» деди-ю, уни итариб юборди. Иброҳим анҳорга муккасидан йиқилди. Тез оқар сувда унинг боши бир кўриниб, бир кўринмай борарди. Жулдур чопонлик махлуқ эса, осмонга қараб телбаларча куларди...

Шайх «Ёлғизимни ўзинг асра, биру борим», деб Яратганга муножот қилди ва отга миниб Яси сари равона бўлди.

Масжид олдида уни халифалари интизорлик ила кутиб туришарди. Бобо Мочин ҳиқиллаб Шайхнинг этагини тудди.

– Исфижобдин шум хабар олдик, пирим. Иброҳимни худо бир асрабди... Хасталаниб ётган эмиш.

– Нима бўлибди?

– Шу... сув ёқасинда ўлтирган экан. Бехосдан десангиз...

Шайхнинг кўз ўнгига қайта ўша семиз, олакўз махлуқ гавдаланди. У Исфижобга Иброҳимдан хабар олгани Сулаймон билан Сўфи Донишмандни жўнатди. Ўзи чиллахонага тушди. То шом намозига қадар Иброҳимга ҳифзу сихат тилаб Қуръон тиловат қилди.

#### ОҚ ТУЯЛИК СУЛАЙМОН 35- ф а с л

***Шариати ораста,  
Тариқати пайғаста,  
Ҳақиқати шойиста  
Шайхим Аҳмад Яссавий.  
Ўн саккиз минг оламда  
Оти машҳур каломда,  
Ўрни Доруссаломда***  
Шайхим Аҳмад Яссавий.

#### Сулаймон БОҚИРҒОНИЙ.

Мансурхўжа раҳнамолигида ҳаж сафарига кетган зиёратчилар саратонни ўтказиб, сунбуллар бетида Яссига қайтиб келдилар. Олис йўлдан ҳориб-толиб келган муридларининг чеҳрасида балқиб турган нурга боқиб, Шайхнинг руҳияти яшнади. Бу нур Маккаи муқаррама бирла Мадинаи мунавваранинг тажаллиси эди. Шайх ўзи етолмаган хонаи муборақ ғуборини кўзига суртган ибодат ахлига шукроналик ила термилди. Зиёратчилар уч кун дам олиб, ҳаммомдан покиза бўлиб чиққан, Шайх зикр буюрди. Сунто-ния масжидининг рўбарўсидаги хонақоҳ саҳнида солиқлар давра курдилар. Шайх наздида зикр инсон қон томирида сузиб юрган заррадек залолатни ҳам ҳайдаб, зокирларни жисман ва руҳан бир-бирига яқинлаштирмоғи лозим эди.

Зиёратчилар зикрни соғиниб қолган эканларми, иштиёқ ва жўшқинлик ила сано айтишга киришдилар. Туғишган биродарлардек бир-бирининг елкасига қўл ташлаганча, гоҳ ўнгга, гоҳ сўлга чайқалиб, Яратганни васф этаётган мўминларга қараб, Шайх хаёлга толди: «Тоғ ҳам ўзаро елка қўйиб тургани боис мустаҳкам эмиш. Одам фарзанди мана шундоқ бир-бирига елкадош бўлса, ўзганинг дардини ўз дардим деб билса, олам собитлигича турармиди? Таассуфким, бугун кифтингга иссиқ қўлини босиб турган бандаи ғофил эртан ўтиб, ғаддорлик қилади, кўзингга чўп солади, оёғингдан чалишни ўйлайди. Ёмонлиқдин не яхшилиқ кўрдингки, яхшилиқ қилмағайсан? Яхшилиқдин не ёмонлик топдингки, ёмон ишдан кўлингни тортмайсан?

Мана шу мевали дарахтдек тебраниб турган бандаларингнинг кўксидаги имон кўрини ўчирма, Халлоқи олам!».

Зикр оёқлади. Кутбиддиннинг жарангдор, салобатли товуши эшитилди.

Дуолари мустажоб, ижобатлик Муҳаммад, Ямонлиққа яхшилиқ, далолатлик Муҳаммад. Саккиз беҳишт эгаси, валоятлик Муҳаммад, Мискин Аҳмад қулига, китобатлик Муҳаммад. Шайх «Алҳамдулиллоҳи роббил-оламин», дея дуога қўл очди.

Зокирлар «Омин!» деб пирга жўровоз бўлдилар. Зикр адоғига етди. Ошиқ қуллар ҳансираб хонақоҳ ўртасидаги боботут соясига чўкдилар. Эртаси тонг саҳарда еловёқ Бобо Мочин Собронга бориб, Самариддин ҳокимни бошлаб келди. Ҳокимнинг кўпчиб турган юзида тер жимирлар, Шайхнинг «Зудлик билан етиб келсун», деган сўзларидан юрагида ҳадиқ ўйнарди.

Ҳазрат уни хушқайфият ила қарши олди.

– Ўтиринг, ўғлим, – деди ёнидан жой кўрсатиб, – хижолат бўлмасинлар. Сизни савоб бир юмуш туфайли қақирдик.

Самариддиннинг кўнгли жойига тушай, деди. Истиҳола бирла Шайхнинг рўбарўсига тиз чўқди. Юз-кўзини артиб, пирнинг озсига тикилди.

– Қўл остингиздаги волийларга, кент оқсоқоллари, овул бийларига айтинг, қашшоқ, ғарибу етим-есирларнинг ҳисобини олсинлар. Биз ўзимизга тегишли мол-мулкдин аларга улуш бермак ниятдамыз.

– Бажонидил, пирим, – деб Самариддин қўлини кўксига босди, – муруваттингиздин баҳра олгон эл-улус дуойи жонингизни қилғай.

Самариддин билади. Ҳазрат ҳар йили икки ҳайит арафасида мискин, бечорақол кимсаларга хайр-эхсон қилади. Ўзлаб қўйлак-иштон, яктак, тақя, телпак, кавуш тарқатади. Жонлиқлар сўйдириб, томоқ беради. Илло... ҳозир ҳайитгача фурсат узоқ эди. Пирни комилнинг бемаҳалда насиба улашмоқчи бўлганига ақли етмади.

Зеро, Шайхнинг бу ниятини ҳозирча ўзидан бўлак кимса билмас ҳам эди.

Шайх ҳузурига келаркан, Самариддиннинг сийнасини хавотир курти тимдалаб беҳузур қилган эди. Собронга қайтаркан, энди унинг кўнгли чароғон, вужудини бир ҳовуч зиёв иситиб тургандек, яйраб борарди. Ҳазрат Самариддинга ижозат берди-ю, ўйлари билан танҳо қолди. Узлатга чекинishiни ихтиёв этгандан бери кўнглига бир ниятни тугиб қўйган. Бу ёруғ олам билан ҳўшлашиб, хилватхонани абадий макон айлашдин бурун тасарруфидаги мол-мулкини ғарибу-ғулаболарга эҳсон қилмоқчи. Тоғ олди, тоғ ортида Шайхга хонлар, беклар, бою боёнлар тарафидан назр қилинган уюр-уюр йилки, пода-пода сигиру ҳўкиз, кўра-кўра қўй-эчкилар ўтлаб юрар, уларнинг сон-саногини наинки Ҳазрат, ҳатто чўпон-чўлиқлару подачиларнинг ўзлари ҳам билмасди.

«Қўли қадоқ, елкаси яғир, товони тош бўлиб қотган эмгакчининг озгидан йириб олинган мол боз ўз эгасига қайтмоғи лозим» деб ўйлади Шайх. Яйлоқларни оралаб, мол-жонини тафтиш қилмоқчи, Самариддин қашшоқ хонадонлар рўйхатини келтирган, махсус ҳайъат кўз ўнгига уйма-уй қорамол билан туёқ мол тарқатишни мўлжаллади. Шайх йўлга отланди. Бу сафар Сулаймонни ўзига йўлдош қилиб олди. Қоратоғ этагидаги яйловларга элтадиган йўл қадим Қарноқ кенти орқали ўтарди. Пирү мурид от бошини Қарноққа қараб бурдилар. Тақир чўл бошланди. Ҳар ер-ҳар ерда туя тортаётган чиғириқлар кўзга ташланади. Чақалоқнинг калласидек кичкина пақирчада чиққан сувни деҳқон мешига қуяди-ю, туясига хипчин уради. Аҳёнда кичик гумбазни эслатиб, ям-яшил ғўжумлар йўлиқади. Уларнинг соясида бола кучоқлаган аёллар, пешонасини танғиб, гулли чопон кийиб олган қариялар кўринади. «Ноннинг ўзи юмшоқ, меҳнати қаттиқ, – ўйлади Шайх, – бир ҳовуч дон он бўлиб оғизга етгунча... чорикорнинг она сути озгидан келгусидир. Ё раббим! Наҳот то абад шундоқ давом этса бу азоб? Қачон нон топанники, ўтин чолганники бўлғай?»

Ясси билан Қарноқ ораси уч-тўрт фарсах, бундайчасига ўн беш-йигирма қақирим келарди. Икки йўрга от йўл танобини тортиб, пешин намазигача кентга кириб бордилар. Закий ўқувчимизга аввалги фасллардан аёнки, Ҳазрат ортиқча мулозаматни, одамларнинг парвона бўлишини ёқтирмас эди. Шу боис, у қишлоқни четлаб ўтишни лозим топди. Пирни комил ила унинг халифаси Ҳаким Сулаймоннинг Қарноққа ташрифидан кент оқсоқоли ҳам, мадрасаи масжид аҳли ҳам беҳабар қолди.

Қишлоқ ортга чекинди. Ёз офтобида сарғая бошлаган қирлар бошланди. Тагин бир оз юргач, салқин эпкин эсди. Сўнгра – қир сўнггида энсиз, узунчоқ аргамачидек сой кўринди. Шайх сой бўйидаги азамат чинор ёнида отдан тушди. Чинор тагидан бўлоқ сизиб ётарди.

– Кунга қаранг, Сулаймон, – деди, – намози дигар бўлибдир.

Остозу шогирд кўм-кўк майса узра белбоғларини жойнамои қилиб, ибодатни адо этдилар.

Намози асрга яқин катта сайхонликдаги якка ўтов олдида отдан тушдилар. Шайх Сулаймонга тайинлаб қўйган эди, биз фалончилармиз, демади, мусофирмиз, бир дала-тузни айланиб

## Саъдулла СИЁЕВ



чиқдик, деб қўя қолди. Ўтов эгаси меҳмонларни чўпон-чўлиққа хос очиқ юз билан қаршилади. Тўрга етти ямоқ кўрпача билан бўз дастурхон ёзди. Сопол косада қатиқ, зогора нон қўйди. Шайх атрофига разм солди. Ўтовдаги ночор, унқиқиб кетган буюмларга қараб, «Азалдин косиб билан молчининг косаси оқармаган», деб қўйди ичида. Шу пайт ўтов бурчагидан инграган товуш эшитилди. Чўпон ирғиб турди.

Бурчақда беш-олти ёшлардаги бола ётарди.

– Тўрт кундин берисига ўғлим оврийди, – деди чўпон, – йиғлайди, инкиллайди. Ўт-ёлин бўлиб ёнади. Товнинг ўт-чўпини қайнатиб ичирдим. Бир тўқли сўйиб, қон чиқардим. Пойда бўмади. Не қилишни билмай қолдим. Ёлғизимни ўзинг асра, – деб худойимга ёлвориб ўтирипман...

Шайх ўрнидан турди. Боланинг ёнига бориб, манғлайига қўлини босди. Боланинг бошини силади, кўзларини сийпалади. Кўкрагига кафтини қўйиб, бир лаҳза болақайнинг юзидан кўз узмай турди. Бир замон бола... кўзларини очди. «Ота, сув...» деб ҳиқиллади. Отаси илдам бир косада сув тутди. Бола бошини кўтарди. Бир-икки култум сув ичди ва гавдасини тикди. Чўпон лол-карахт бўлиб, бир ўғлига, бир Шайхга қарайди.

– Худо хоҳласа, ўғлингиз бугун юриб кетади, – деб Шайх жойига келиб ўтирди.

– Сиз табибмисиз, тақсир? – деди, ҳамон ҳайратда қотган ота.

Шайх индамади.

– Табиб эмас, бу кишим ҳабиблар, – деди Сулаймон.

Содда чўпон «ҳабиб»нинг маънисига тушунмади. Унинг назарида ҳабиб – Аллоҳ етказган нажоткор эди.

Шу куни Шайх билан Сулаймон чўпонникида тунаб қолишди. Тонг саҳар отга миндилар. Ўтов олдида кечаги хаста болақай уларга қўл силтаб, ҳўшлашиб турарди.

Тоғ ичкарисига кирган сари йўл оғирлашиб борар, отлар ҳам толиққан, улар тошли сўқмоқни тарақлатиб, аста-аста олга интиларди. Шайх Чалабой мерганнинг маконини кўзлаб борарди. Чалабой Ҳазратнинг муридларидан эди. У йилига бир-икки бор Шайх ҳузурига тушиб, пирни зиёрат қилар, хонақоҳ ила мусофирхоналарни йилқи эти билан таъминлаб турарди.

Сулаймон йўл-йўлакай учраган чўпон-чўлиқдан Чалабойнинг кўналагисини суриштирди. У Бешсоз деган ерда экан.

Йўл пастга энди. Отлар тагин йўрғалашга ўтди. Икки тарафи қалин арча ила қопланган дарага кирдилар. Чалабой қир бошида ёнбошлаб ётарди. Олисдан келаётган икки мулланамо кишига кўзи тушди-ю, сакраб турди. Отига миниб, қамчи босди. Шайхдан аввал ўтовига етди. «Пирим! Қадамларига ҳасанот!» дея узангига ёпишди. Ҳазратни қўлтиғидан олиб, отдан туширди. Шайх тўрт тарафига аланглаб, бир лаҳза тек туриб қолди. Чўққиларда нукрадек бўлиб, қор йилтирайди, сой гувиллайди, муздек шаббода юз-кўзингни силайди. Икки ёндаги қир барги тўла арча, арча, арча...

Чалабой югургилаб ўтовга кириб кетди. Аёлига нималарнидир тайинлаб, қайтиб қикди. Кейин «Саттор, қайдасан, ўғлим!», деб қичқирди. Ўн олти ёшлардаги ўсмир келиб, меҳмонларга одоб билан салом берди.

– Болам, қора кўчқорни обке! Пиримизнинг қадамлари қутлуғ бўлсин, деб қон чиқарайлик! Саттор катта қора кўчқорни ҳарсиллатиб судраб келди.

– Ҳазратим, дуо беринг, – деди қўлларини фотиҳага очиб Чалабой.

Шайх пичирлаб дуо қилди. Саттор кўчқорни сал нарига судраб кетди ва оёқларини боғлай бошлади.

Чалабой мерганнинг ўтови ўн икки қанотлик, асбоб-анжоми ҳам тузуқ-куруққина эди. Гулмихларга кашталиқ қозиқлунгилар илинган, адрас кўрпача, чит болишлар ораста, ичкари саранжом-саришта эди. «Аёли фаросатли экан», деб қўйди ўзича Шайх.

Шу куни Чалабойникида тўйдагидек хурсандчилик бошланиб кетди. Кимсан – Ҳазрати Султон, ялангоёқ ғарибу гураболарнинг орқа тоғи Хожа Аҳмад Яссавий ҳазратларининг молбоқар-

ларни сўроқлаб келгани оқшомга қадар буткул Қоратоғ мавзесига овоза бўлди. Одамлар ҳайит куни жума намозига ошиқаётгандек, гурас-гурас бўлиб келишарди. Қоронги тушиб, Қоратоғ осмонда ярқироқ юлдузлар порлаганда Чалабойнинг кенг ўтови меҳмонга тўлди.

Улар ичида Шайх Ҳазратларини кўрганидан кўрмагани кўп эди. Барча дастурхонга боқиб, сукут сақлаб ўтирган хушбичим, одми саллалик, кўзлари қандайдир ғамгин авлиёи кабирга ҳайрат аралаш эҳтиром ила қараб-қараб қўяди.

Шайх Аллоҳнинг фарзи, Пайгамбарнинг суннати, дорулбақо савоби, дорулфано азоби, мазлумларнинг жафосиyo дунёпараст золимларнинг жазоси, имон, адолат, каффорат хусусида мухта-сар ваъъ айтди.

Меҳмонлар етти хуфтонда тарқалдилар. Чалабой елиб-югуриб, азиз меҳмонларга жой хозирлади. Ўтовнинг бир четига шам ёқиб қўйди. Сулаймон тўшакка кирди-ю, ҳадемай пишиллаб ухлаб қолди. Шайхнинг уйқуси ўчди.

Сулаймоннинг чечак излари қолган этлик юзига боқиб, хаёлга толди. Уни илк дафъа учратган кунни эслади. У пайтлар Бухорои шарифда эди. Яссавия тариқатига тамал тошини қўйиб, хонақоҳ очган кезлари эди. Бир куни масжид олдида ўтирарди. Ўн ёшлардаги бола мактабдан чиқиб, орқаси билан юриб келар, икки қўлига китоб тўла жилдини кўтариб олган эди. «Ўғлим, нечук сиз мундоқ юрмакдасиз?», деб сўради Шайх. Бола «Менга илму ирфон берган даргоҳга орқа ўгириб кетишни ўзимга муносиб кўрмадим», деди. Шайх бу норасиданинг фаросатига офарин айтди. Уни шогирдликка тилади. Ота-онасини рози қилиб, қабатига олди. Илми қолдан, илми қолдан таълим берди. Хонақоҳга ўрнаштирди. Сулукча кўшди. Сулаймон Шайхнинг хос муридига айланди. Шайх Бухоро зовиясини Абдулхолиққа топишиб, ўзи Туркистонга азм этганда Сулаймон ҳам унга эргашди. Мана, шунга ҳам ўттиз йил бўлибди. Сулаймоннинг ёши қирқни қоралади. Соч-соқолига нуқра тола оралади. Илло, то ҳануз бир мушфиқ, бир хушхулқ тан маҳрам кўрмай дунёдан ўтиб бораётир. «Худонинг бул суйган бандасига биз жабр қилдик, – ўқинди Шайх, – Аллоҳ таоло жамики мавжудоту набототни жуфт-жуфт қилиб яратмиш. Дала-туздаги ёввойи алафлар ҳам гоҳ оталиқ, гоҳ оналик бўлиб, бир-бирига талпинармиш, бир-бирига роз айтар эмиш. Сулаймон бизнинг танамизга пайванд этилган бамисли бир новда эрди. Бул новда вояга етди, мева беражак азамат оғочга эврилди. Энди бул оғочни танадин айтириб, мақбул ерга кўчирмак лозим. Ҳар кўчат асал уруғи тушган ерда ўсиб-унар эмиш. Сулаймонни тувгон элига кўчирсак, Расулуллоҳнинг суннатини адо этган бўлурмиз».

Тонг отди. Қандай қилсан, пирни муриднинг кўнглини оламан, деб зир югуриб юрган Чалабойни Шайх имлаб қақирди.

– Ўғлим, тоғ ортига одам юборинг. Облоқул туякашни айтиб келсин.

– Хўп бўлади, пирим.

– Аввало ҳув анави арча остига жой қилсинлар. Аллоҳнинг неъматидин бир баҳра олайлик.

Бирор соатдан кейин Шайх билан Сулаймон осмонга мусаллодек буй чўзган ям-яшил, баҳайбат арча тагида салқинлаб ўтирардилар.

Устоз ёнбошлаб ётибди. Сулаймон пир олдида оёқ чўзишни тарки одат деб билгани учун чордана қурган. Саратоннинг боши бўлса-да, тоғлик ер эмасми, қорли чўққилардан салқин шабада эсиб, дилдаги ғуборни ҳайдайди. Арча шохида тинмағур қушлар чуғурлайди, арча тагидан чулдираб чиқиб ётган чашма жон-жаҳонингни яйратади.

– Оқар сув, яшил майса, яхшиларнинг юз-кўзини қувнатар эмиш, – деди Шайх, – атрофингизга тўйиб боқинг. Бундоқ маъволарни қайти қачон кўрамыз, аё Сулаймон!

Сулаймон атрофига энтиқиб назар солди.

(Давоми бор).

»» Обуначиларимиз орасида

# ЮГНАК ҚИШЛОҒИДА ЯНГИ РАИС



Саврон туманига қарашли Югнак қишлоғи ўЗМБга янги раис, А. Югнакий номли умумтаълим мактабининг тажрибали устози Жамшид Шарофидинов раҳбарлик қилмоқда.

Собиқ раис, қишлоқда ҳоким бўлиб ишлаган техника фанлари номзоди Иброҳим Отажонов маскур жамоат ташкилотида маслаҳатчи сифатида фаолиятини давом эттиради.

Жамшид Шарофиддинов 1983 йили туғилган. Туркистондаги А. Яссавий номидаги ХҚТУни тарих-география, Шимкентдаги Жанубий Қозоғистон давлат педагогика институтини ижтимоий-педагог ихтисослиги бўйича тамомлаган. Умр

йўлдоши Ҳилола Зойирхон қизи (у ҳам муаллима) билан тўрт нафар фарзандни тарбиялашмоқда. Фаол обуначимиз Жамшид Юсуф ўғлини 16 апрель кун 42 ёшга тўлиши муносабати билан мубо-ракбод этиб, сиҳат-саломатлик, она тилимиз, маданиятимиз равнақини мақсад тутган кенг қамровли жамоат ишларида муваффақиятлар, бахт-саодат тилаймиз.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирда: Югнак қишлоғи ўЗМБ раиси Ж. Юсуф ўғли ва собиқ раис И. Отажонов.

Муаллиф суратга олган.

Қозоғистон халқи Ассамблеясининг 30 йиллиги муносабати билан эл бирлигини мустаҳкамлаш, адолатли Қозоғистон ва билим-ли авлодни шакллантириш мақсадида Кентов шаҳридаги Ўзбекали Жанибеков номидаги кўп соҳали мактаб-гимназиясида шаҳар мактаблари битирувчилари ўртасида “Тест билимдони - 2025” танлови уюштирилди.

ЎЗМБнинг саъй-ҳаракатлари билан уюштирилган танлов 5та фан бўйича ЯМТнинг янги шаклдаги қоидалари асосида ўтказилди. Ўқувчилар 210 дақиқа мобайнида математик саводхонлик, Қозоғистон тарихи, ўқув саводхонлиги ва иккита танлов фани бўйича 120 та саволга жавоб беришлари лозим эди.

Шаҳар умумтаълим мактаблари орасида 11та мактабдан

# ТЕСТ БИЛИМДОНИ ТАНЛОВИ – 2025



43 нафар ўқувчи иштирок этиб, ўз билимларини синашди. Танлов якунида ўқувчилар икки йўналиш бўйича тақдирланди.

1-йўналиш бўйича I ўринни шахримиздаги 16-сонли Юрий Гагарин номидаги мактаб-лицей (110 балл) қўлга киритди. II ўринга Ўзбекали Жанибеков номи мактаб-гимназия ўқувчилари (107 балл) билан

мушарраф бўлди. М. Қошғарий номи мактаб-лицейга (102 балл) III ўрин насиб этди.

Иккинчи йўналиш бўйича ўқувчилар алоҳида тақдирланди. I ўринни 16-сонли мактаб ўқувчиси Дмитрий Букреев (120 балл);

II ўринни 17-сонли мактаб ўқувчиси Фарангиз Гаипова (118 балл);

III ўринни М. Қошғарий мактаби ўқувчиси Севинч Парпиева (115 балл) қўлга киритди.

Қолган ўринларни Рамис Шамитов, Сўғдиёна Ўсманова. 108 балл – Иномжон Абдуғафоров, Лайло Иззатуллаева (М. Қошғарий мактаб-лицей); Динара Жалишева, Шаҳзода Раҳматжоновна, Элина Абдуғаппарова (Ўзбекали Жани-

беков номи мактаб-гимназия); Нурбақит Тўлепберген (14-сонли мактаб) эгаллади. Ушбу ўқувчиларимиз ўзбек этномаданият бирлашмасининг қимматбаҳо совгалари билан тақдирландилар.

Кентов шаҳар ўЗМБ раисаи Санобар Самиева, фаол аъзолари Ҳошим Абдувалиев ва Абдукарим Амиров ҳамда танлов уюштиришда жонбозлик кўрсатган Ўзбекали Жанибеков номи мактаб-гимназия директори Мансур Акешов, илмий мундир Суръат Абдуллаевага миннатдорчилик билдирамиз.

Наргиза ОТАХОНОВА,  
Элмира ЗИЁЕВА,  
Ўзбекали Жанибеков номи мактаб-гимназия муаллималари.

Тасвирларда: тадбирдан лавҳалар.

# БЎШ ИШ ЎРИНЛАРИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ



ҚР Меҳнат ҳамда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг ташаббуси билан 8, 9, 10 апрель кунлари вилоятнинг аҳоли тигиз жойлашган Жетисай, Сайрам туманлари ва Туркистон шаҳрида Шимолий минтақаларга “Кўчиш ярмаркаси” ўтади. Тадбирда Шарқий Қозоғистон, Шимолий Қозоғистон, Абай, Қарағанди, Павлодар, Қўстанай, Улитау вилоятларидан келган йирик иш берувчилар доимий иш ўринларига доир таклиф ва ахборот беради. Кўчиб боровчиларга давлат томонидан моддий ёрдам кўрсатилади. Шунингдек, дастур иштирокчилари бепул бошпана билан таъминланади. Тадбирда элимизнинг 7 минтақаси вилоят аҳолисига 10 мингдан зиёд бўш иш ўринларини тавсия этади.

Таъкидлаш жоизки, ушбу минтақаларо тадбир аҳолини элимизнинг ишчи кучи етишмайдиган Шимолий ҳудудларига кўчиришга йўналтирилган. Ушбу йўналишдаги тадбирлар вилоятда 2015 йилдан буён юритилмоқда.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

»» Инсон эзгу амаллари билан барҳаёт

# ЧИПОНЛИК ФАОЛЛАР ХОТИРАСИ

Собиқ Туркистон, ҳозирги Саврон туманининг Чипон қишлоғида таваллуд топиб, эл тараққиёти йўлида меҳнат қилиш баробарида она тилимиз, маданиятимиз равнақига муносиб ҳисса қўшган, орамизда йўқ бўлса ҳам хотирамизда барҳаёт жонкуярларимиз ҳақида ушбу мақолани эътиборларингизга ҳавола қиламиз.



Саврон тумани Югнак қишлоғида 1926 йили таваллуд топган Икром Убайдулла ўғли вилоят ва Қозоғистон Республикасига таниқли инсон эди. Қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги самарали меҳнатлари учун 1965-1974 йиллари СССР ҳукумати фармони билан “Меҳнат Қизил Байроқ”, “Ҳурмат белгиси” орденлари

ўсимликларни ҳимоя қилиш бошқармасида ишлаб, элга танилди. Туркистон шаҳар ўЗМБ ташкилотиди Эркин Жўрабеков, Ирисқул Айтметов, Баходир Ирисметов, Донши Маннотовлар билан бирга жамоат фидойиси сифатида кўп йиллар меҳнат қилган.

Мухториддин – ветеринар. Шу соҳада қишлоқ ва туман бошқармасида бош мутахассис сифатида фаолият юритиб, эл назарига тушди. Она тилимиз, маданиятимиз жонкуяри эди. “Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетасининг фаол жонкуярлари бўлган Икром Убайдулла



ва кўплаб медаллар билан мукофотланган. Падари бузуруқори Убайдулла ота Бухорода ислом дини мадрасасини тамомлаган, диний билими кучли бўлиб, қишлоқда имом бўлганди. УВУ йиллари тракторчи бўлиб ғалла ўрими, пахта етиштиришга иштирок этган. 1965 йили Чимкент вилояти кенгашига депутат бўлиб сайланган. Туркистон Қарноқ йўлини таъмирлашга эришган. 1974 йили пешқадам пахтачилик бригадари сифатида юксак кўрсаткичларга эришган. Москвадаги БХХЮК (ВДНХ)да иштирок этган. 1986 йили фахрий ҳордиққа чиқди.

Икром Убайдулла ўғли умр йўлдоши, қахрамон она Зиннат ая билан тўрт ўғил беш қизни тарбиялаб вояга етказган. Улар олий маълумотли. Тўнгич фарзанди Сирожиiddин зироатшунос. Қишлоқ ҳўжалиги соҳасида меҳнат қилиб,



ўғли, Зиннат Убайдуллаева, уларнинг қобил фарзандлари Сирожиiddин ва Мухториддин Икром ўғиллари бугун орамизда йўқ бўлса ҳам, хотиралари қалбларимизда барҳаёт. Кекса авлоднинг шонли фаолиятини уларнинг фарзандлари, невра ва эваралари давом эттирмоқда.

Насиба ЙЎЛДОШЕВА.

Тасвирларда: Икром Убайдулла ўғли умр йўлдоши Зиннат Убайдуллаева билан; Сирожиiddин Икром ўғли; Мухториддин Икром ўғли.

# КУН ТАРТИБИДА – ОИЛАДАГИ ЗЎРАВОНЛИК

Мамлакатимизда гендерга оид қотиб қолган қарашларни парчалаш – зўравонлиқнинг олдини олиш ҳазилакам масала эмас. Ижтимоий сўровлар натижасига кўра, 18-75 ёш оралиғидаги қозоғистонлик аёлларнинг 17 фоизи тазйиқ ҳамда жинсий зўравонликка, ҳар бешинчи аёл ҳаёти давомида руҳий зўравонликка учраган.

Бу ҳақда БМТ аҳолишунослик жамғармасининг Қозоғистондаги вакиллиги ташаббуси билан уюштирилган тренингда мутахассислар маълум қилишди. Икки кун давом этган учрашувда ЮНФПнинг Қозоғистондаги аҳолишунослик ва гендер масалалари бўйича таҳлилчи Ғазиза Мўлдақулова, магистр руҳиятшунос Тинчтикбек Бақитов, ҳуқуқшунос, гендер масалалари бўйича таҳлилчи Айгерим Қўсайинқизининг маърузалари тингланди.

– Ҳар бешинчи аёл руҳий зўравонликка дуч келаётганлиги тасдиқланди, – деди таҳлилчи Ғ. Ғамамедова. – Оиладagi зўравонликка дуч келган аёллар билан қандай ишлаймиз? Медиа нашрларда уларнинг тақдирини қандай ёритиш мумкин, деган саволлар тўғилиши табиий, албатта. Шунини унутмаслик керакки, оилавий зў-

равонликка учраган ҳар бир инсон ортида унинг ва бир неча йиллардан сўнг қамолга етиб, улғаядиган фарзандларининг тақдирини туради. Шу боис ҳам 2030 йилга қадар оила ва гендер сиёсати концепциясида мамлакатимизда оиладagi зўравонликка таъсир кўрсатиш тизими ишлаб чиқилди. Туркистон вилоятида ишга туширилган қалдирғоч лойиҳа мамлакатимизнинг 7 минтақасида муваффақиятли ишляпти. Зўравонликка учраган шахсларга ижтимоий-руҳий ҳамроҳлик хизмати фаолият юритмоқда. Ноҳукумат ташкилотлар, маҳаллий ижро органлари, қишлоқ ҳокимлари билан меморандумлар имзоланган. Утган йили 15 апрелда эса “Қозоғистон Республикасининг аёллар ҳуқуқлари ва болалар ҳавфсизлиги таъминоти масалалари бўйича маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги Кодексга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун имзоланди. Шу билан бирга, қонун туман ва шаҳарларда оилавий зўравонликка дуч келганларни қўллаб-қувватлаш марказларини ташкил этишини ҳам кўзлайди. 2028 йилга қадар 231та шундай марказ барпо этиш режаланмоқда. Маскур марказларда, даставвал, жабр-

ланувчиларга тиббий ёрдам кўрсатилади. Руҳиятшунос эса бундай тазйиққа дуч келган аёлга ҳам, зўравон эркекка ҳам маслаҳат бериши лозим. Шундай оилалар борки, уларда аёлнинг инсоний ҳуқуқлари чекланган. Айниқса, жисмоний имконияти чекланганларга қийин. Ундай аёлларнинг нафақаси тушиб турадиган банк карточкаси олиб қўйилади, қўл телефони ҳам берилмайди. Туркистон вилоятида ҳар 6-аёл зўравонликка дуч келмоқда. Бундай ҳолларда кўпчилик аёллар ҳуқуқ-тартибот идораларида мурожаат қилишмайди.

Ж. Кўсаинова, ЮНФПнинг Қозоғистондаги коммуникация бўйича зобити:

– Мамлакатимизда қизлар ўртасида эрта туғруқ ҳолатлари учрамоқда. Бу муаммо кўпчиликини безовта қилмоқда. Чунки эрта туғруқ аёлларда ўлим хавфини оширади. Жамоат ташкилотларининг фаолиятини ёки ижтимоий тармоқларда кенг тарқатилаётган ҳуқуқий контентлар самарасими, сўнгги 5 йилда зўравонлиқнинг анча камайгани қайд этилган.

Т. Бақитов, психолог: – Ҳозир одам ўлдирилаётган пайтда ҳам, тасвирга бемалол олиб туриш ҳолатлари бўляпти. Мудҳиш бир воқеа содир бўлса



ҳам, одамлар қўл телефонларига виждони қийналмай, тасвирга олиб туришаверади. Нима учун шундай ҳолатлар рўй берапти? Айнан шу мавзудаги ижтимоий тармоқлар контентлари завқ-шавқ билан томоша қилинади, одамларнинг эътиборини жалб қилади, ва аккаунт соҳибининг даромади ошишини таъминлайди. Хотин-қизларга нисбатан жисмоний, жинсий, руҳий, иқтисодий ва киберзўравонлик турлари қўлланилмоқда. Ҳозирги кунда ижтимоий тармоқларга турли ахборотлар ва фото ҳамда видеолавҳаларни тарқатиб юбориш, онлайн зўравонлик ҳолатлари ўсиб бормоқда. Зўравонликка дуч келган аёллар ҳақида кўрсатувларни тайёрлашда уларнинг руҳий ҳолатларини эътиборга олишлари жоиз. Зеро, кўрсатувда иштирок этаётган аёлнинг табиийки, вояга етмаган болалари бор. Журналистлар, блогерлар бундай кўрсатувларни тайёрлаётган пайтда бунга алоҳида эътибор қаратиши даркор. Бундай ҳолларда журналистнинг виждони уйғоқ бўлиши керак.

М. САЪДУЛЛАЕВА.



### Ватан – она дедим...

Она, дедим, овозимдан кўрқди қузгун, қочди зог,  
Она, дедим, шовуллаган сойлар оқди кўнгли чоғ,  
Она, дедим, бугдойзорлар кулиб ёйди кенг қучоқ,  
Она, дедим, уйғондилар неки ётмиш гунг, мудроқ.

Она, дедим, Темур ётган қабр тоши сесканди,  
Она, дедим, Яссавий бор буюк макон ясланди,  
Жондай суймоқ имондандир униб-ўсган масканни,  
Даҳоларга бешик бўлган азиз тупроқ, бу тупроқ.

Она, дедим, ноз-неъматинг дастурхонга уйдирдинг,  
Ялангоёқ товоонларим эркалатиб куйдирдинг,  
Она, дедим, кенг бепоён еринг – беҳишт, суйдирдинг.  
Кезаверсам дашт, далангда уйрғамни миниб яйдоқ.

Сен «Йиғлаган ота»ммисан, кўзидан ёш қуйилган,  
Уккошамми, мардлигига мангу ҳайкал қўйилган,  
Абайимми, «Қора сўзи» ҳикматдайн суйилган,  
Санасам йўқ улуғларинг, донишларингга адоқ.

Она, дедим, хўрсиндинг-у, ёшларинг бўлди мунчоқ,  
Йўқотганинг – мардлар ёди юрагини қилди чоқ,  
Қайратларинг эркинг дея қон тўқканда бўлди ҳақ,  
Мазлумларинг хотираси бугун тирик, фараҳноқ.

Тарихингдан гардни ювиб, бўйинг тиклаб ўнгландинг,  
Кўкка етиб гурқирадинг, тамом нурга беландинг,  
Юртинг обод, бағринг бутун, зафарларинг чўнг энди,  
Нурли йўлни танлагансан, келажагинг зўр, порлоқ.

Ватан – она, кўзларимни ёндиради кўк байроқ,  
Асрағаймиз ҳасадлардан ёмон кўзлар ёнган чоқ,  
Ҳимоянғмиз, гийҳингдан узилмайди бир япроқ,  
Авлодларга насиб қилсин ҳур тугилиб, ҳур ўлмоқ!

### Куёш севган Ватаним

Тангри менга берган ватан Қозоғистон,  
Бахтлидирман, тақдир қилмиш шундай эҳсон.

Ой жамоли тўлиб борар ҳар кун сайин,  
Ўттиз икки йилдан бери тикар бўйин.

Девор оша қўшнilar-ла апоқ-чапоқ,  
Ўзбек, қирғиз биродарлар очар кучоқ.

Дала-дашти тўла бия, байталларга,  
Чағалайлар қўшиқ айтар Байкалларда.

Маст қилади тан балқитиб қимизлари,  
Ноз-ла тутар косаларда хур қизлари.

Кўринг, уфқнинг кўкка барқут солганини,  
Хирмонларга арпа, бугдой тўлганини.

Кўзларимдан қувонч оқар, тинчдир осмон,  
Тўрт тарафда туз-насиба ботмон-ботмон.

Гўзал тасвир, ойнинг тоққа чўқкани ҳам,  
Қояларга манглайини тиккани дам.

– Осмон олис, ким кўрган у тушганини?  
– Мен кўрганман «Бойтерак»ни қучганини.

Ой нурлари етмайди кенг сарҳадларга,  
Қўшни чинлик ҳавас ўлкам қадларига.

Элбошимиз дадил кўзлар юксакларни,  
Жаҳон урар шарафига қарсақларни.

Қуёш қиймай ботар ҳар кун Ватанимни,  
Борим садқа, айлай фидо жон-танимни!

Барно ҚАРНОҚЛИ.

Осмондаги Чўлпондай,  
Ёруғ юзли қизларим.  
Ўғил-қизлар туфайли,  
Ёруғ маним юзларим.  
Қай бирини мақтайин,  
Танҳодир дейман, танҳо.  
Ризқи-ю омадини,  
Бергандир Раббим Худо.  
Катта-ю кичикда ҳам,  
Бўлар экан бир орзу.  
Қай ерда сен бўлсан, ҳам,  
Кўтарилар шу, шу мавзу...  
Истак чиқди рўёбга,  
Дўстим дер: нима нима?  
Набиралар беришди  
Умрага тўрт йўлланма.  
Юсуфжон, Шаҳобиддин  
Ҳабибулло ҳам Акмал.  
Бириксалар гар улар  
Хар мушкулни қилар ҳал.  
Хурсанд этиб, бизларни  
Шодон бўлиб кетишди.  
Кўпдан орзу қилишган,  
Мақсадига етишди.  
Шундай қилиб, Робия  
Шуқурулла, Марҳамат.  
Умралик бўлиб қолди,  
Барчасига, дер – раҳмат.

\*\*\*  
Самолёт учиб, кўнди,  
Бориб Жидда шаҳрига.  
Сепалаб ёмғир ёғар,  
Қараб инсон баҳрига.  
Сўнг йўл олдик, Маккага,  
Етиб бордик шом чоғи.  
Очилгандек бўлганди,  
Бизларга Жаннат боғи.  
Осмонўлар бинолар,  
Данғиллама кенг кўча,  
Сўнг томоша, қилурмиз,  
Ўтиб бўлгач, шу кеча.

### »» Ёшлар ижодидан



### Данжимасин сендан ҳеч, оппоқ кафанинг

Узоқ вақт гуноҳларга ботганингда,  
Етимларга баъзан захринг сочганингда,  
Бир кун келиб, ер остида ётганингда,  
Ранжимасин сендан ҳеч, оппоқ кафанинг.

Барча билсин сўзларимнинг маъносини,  
Майли, дунё бир тийинга арзимасин.  
Илм ўрган, бир кун ўтиб қолганингда,  
Ранжимасин сендан ҳеч, оппоқ кафанинг.

Ақл берди, инсон, бўлма нафсингга қурбон,  
Тўлдирилмас, молу дунё қалб дарчасин.  
Ўқиб турган ҳафтасига бир кун Ёсин,  
Ранжимасин сендан ҳеч, оппоқ кафанинг.

Қулоққа ил, устозларинг айтган сўзин,  
Вақти келса, тўлдиаркан тупроқ кўзинг.  
Ўлимдан сўнг нурсиз қолса агар юзинг,  
Ранжимасин сендан ҳеч, оппоқ кафанинг.

### Муқаррама Маққага сайҳат

Оқиб келар дарёдек,  
Ер юзидан одамлар,  
Зиёратга талпинар,  
Бўш ўтмасин, деб дамлар.  
Ҳордиқ олдик биз бироз.  
Кўз ҳам кетиб пинакка.  
Чўчиб уйғониб кетдим,  
Эмасман, дедим якка.  
Борку ўғил, қиз, келин,  
Тил билмасанг ёмонда.  
Адашганда эл тилин.

\*\*\*  
Ёнимга ўғлим келди,  
Аравача етаклаб.  
– Олиб юрай сизни дер,  
Савоб олай этаклаб.  
– Қайтар дунё қайтади,  
Болам, ўғил қизингдан,  
Ниятлар қабул бўлгай,  
Не истасанг, сен биздан.  
Униб ўсиб камол топ,  
Бурилмасин бахтинг чап.  
Йўқолмасин ор-номус,  
Эргашмасин ёмон гап,  
Аравага ўтиринг,  
– Мен бўлайин отингиз.  
Айлантирай Каъбадан,  
Сураларни айтингиз.  
Хизматкорлар жуда кўп,  
Бари қўшни давлатдан,  
Савобин ўзим олай,  
Саловат айтиб ёддан.  
Қўшилиб чопиб кетди,  
Ногиронлар кўпқари.  
Қирот билан бўзлашиб,  
Айтилган истак бари.  
– Фаришталар еткизгай,

Жаннат бўлсин жойимиз.  
Ортда қолиб кетмасин,  
Дадамиз ҳам ойимиз.  
Дийдорингни кўришга,  
Интизоримиз э, биз Худо.  
Мен ҳам содиқ бандангман,  
Дардимга бер, сен шифо...  
Шукур ўғлим, ўша кун,  
Қолдан тойиб келди у,  
Бир дунё савоб олиб,  
Гўё бойиб келди у.  
Жамоа боши деди:  
– Рўзмат, киринг хонага,  
Шай туринглар борамиз,  
Ҳазрат Ойша онага.  
У, иш кўзин билади,  
Жуда элчил ҳам қаққон.  
Ҳар бир зиёратчига  
Бергувчидек бўлар жон.  
Жамоа саксон одам  
Бир бирдан камми йўқ.  
Аллоҳга сизгинишдан,  
Ундан бошқа гами йўқ.  
Бизга қўшни туради,  
Мендан ёш Эргаш укам,  
Фотиҳа бериб дедим:  
– Бирор кимдан бўлма кам.  
Ўткир ўғли, ўғлимдек –  
Аравада тортади.  
Ота меҳри кундан кун,  
Ўғлига ортади.  
Ўргатилган от қаби,  
Йўлга тушдик, эртаси.  
Каптарлар қарши олар,  
Бўлиб шу ер эркаси.  
Айтар эдик саловат.  
Хаққа қилиб, биз таъзим.  
Сураларни такрорлар,

Ўғлим, келин ҳам қизим.  
Янғарди кенг бинода,  
Суралар ҳам лаббайка.  
Қўш ракат намоз ўқиб,  
Сўнгра чиқдик йўлакка.  
Умра бадал қилдик ҳам,  
Бувю-ю бобомизга.  
Пайшанба кун кечқурун,  
Қолдику тобим қочиб,  
Ўғил-қиздан бошқа мен,  
Айтаман кимга очиб.  
Иштаҳам ҳам бўғилди,  
Хуш кўрмасди таомни.  
Кўнгил беҳузур бўлса,  
Келтир дердим мен жомни.  
Ҳар кун намозга чорлар,  
Билол айтган тонг азон.  
Катта-кичик саф тортиб,  
Бош эгар қибла томон.  
Мадинага йўл олдик,  
Ўша оч қорин билан.  
Опти соат йўл юрдик,  
Қоринда бори билан.  
Куч-қувват ҳам қолмади,  
Танамда йўқ ҳеч мадор.  
Юрак тез-тез урсада,  
Қон босимдан хабар йўқ.  
Шундай қилиб, ўтар тун,  
Шундай қилиб, ўтар кун.  
Қай ҳолатда бўлмайлик,  
Ризқимиз эди бутун.  
Ўн биринчи кун бизлар,  
Етиб келдик Чимкентга.  
Она ерни кучиб мен,  
Суртдим кўзу ҳам бетга.

Эрназар РЎЗИМАТОВ,  
Макка–Мадина–Туркистон.

### Ўиғламанг, балқим қўзингизга қелмас ёш

Қулиб боқинг, сиз томонга отилганда тош,  
Индаманг, вақт ҳакам, ёрилса ҳам бош.  
Нолиманг, тўқсизку, қанча бечоралар оч,  
Йиғламанг, балким кўзингизга келмас ёш!

Ижтимоий тармоқларни кўрдингиз қанча,  
Очликдан қирилиб кетганлар қанча.  
Садақа сўрарлар, лек бермаслар анча,  
Йиғламанг, балким кўзингизга келмас ёш!

Сўзларим етиб гар, беришса ёрдам,  
Воқеалар кўриб туриб, олишаркан дам.  
Сажда эмас, пулга эгиларкан баъзан бош,  
Йиғламанг, балким кўзингизга келмас ёш!

Ҳидоят сўрайман, бари мўмин-мусулмон,  
Ёрдамга қўл чўзинг, дея олмасман ҳар он,  
Қалбингиз муз бўлсин, лек чиққанида жон,  
Йиғламанг, балким кўзингизга келмас ёш!

Санжарбек ЙЎЛЧИБОВЕВ,  
Ал Форобий номли мактаб ўқувчиси.  
Тўлебий тумани.



### Шоҳдайт

“ЧЕКМА КЎП РАНЖ, НАВОЙИКИ,  
КИШИ ТОПМАЙДУР  
ЎЗИДАН ХАЛҚНИ ХУШНУД  
МУРООТ АЙЛАБ”.  
Алишер НАВОЙИ.

(Маъноси: эй Навоий, кўп ғам-қайғу чек-  
ма, чунки одамлар ўзларига марҳамат кўр-  
сатганлардан сира миннатдор бўлмайдилар).

“БУТУН КОИНОТ БИР-БИРИГА СЕВГИ  
ИЛА БОҒЛАНГАН. СЕВГИНИ БЕРИШНИ ЎР-  
ГАН. ЧУНКИ КЎНГЛИДА ИШҚИ ЙЎҚ ОДАМ-  
ДАН КОИНОТ ҲАМ УЗОҚҚА ҚОЧАДИ.



Жалолиддин РУМИЙ.



### ИҚТИБОС

“Ёмонлар ҳамма ерда кўпчиликни  
ташқил қилади”.

БИАНТ,  
қадимги юнон файласуфи.

“Билгувчи сўзламайди, сўзлагувчи  
билмайди”.

Лао ЦЗИ,  
милоддан аввал яшаган чинлик файласуф.

“Ҳикматни кўзи ожиз кишидан ол. У қўлидаги ҳассаси билан  
ерни пайпаслаб, аниқлаштириб олмагунча у жойга овғини қўй-  
майди”.


Тавфиқ ал-ҲАКИМ,  
араб ёзувчиси.

### СОМОН ЕТАН

Буюк табиб Ибн Синога жи-  
гари касал бир кишини бориб  
кўришни илтимос қилишибди.  
Лекин Ибн Сионинг вақти зиқ  
бўлгани учун олдинига бемор-  
нинг пешобини олиб келишини,  
шунга қараб касалини белгилаб,  
кейин бориб кўришни айтибди.  
Улар Ибн Сино айтганини қилишибди-ю, олимни бир  
синаб кўрмоқчи бўлишиб, сизир пешобини олиб бо-  
ришибди.

Ибн Сино идишни кўлига ола солиб:  
– Ие, касалингиз сомон еб қўйибди-ку, айтинглар,  
сомондан кўра кук ўт есин, тезда тузалади, – деб  
жавоб берибди.

Келганлар Ибн Сионинг бу гапидан қаттиқ изза  
бўлишибди.





Жон КЕННЕДЕ,  
АҚШнинг  
35-президенти.

- ДУШМАНЛАРИНГИЗНИ КЕЧИРИНГЛАР, ЛЕКИН ЭСДАН ЧИҚАРМАНГЛАР.
- Ё ИНСОНИЯТ УРУШНИ ТУГАТАДИ, Ё УРУШ ИНСО-НИЯТНИ.
- ИЛМ ОЛМАГАН ФАРЗАНДЛАР ЙЎҚОТИЛГАН ФАРЗАНД-ЛАРИД.
- ҚАНЧАЛИК НОМАЪҚУЛ ИШ ҚИЛСАМ, ШУНЧАЛИК МАШ-ХҲУР БЎЛАМАН.
- ҲАЛАБАНИНГ ОТАСИ МИНГ БЎЛАДИ, МАҒЛУБИЯТ ЭСА ҲАР ДОИМ ЕТИМ.

### »» Табобат

#### Лавлагидан оздирувчи ва тетиклаштирувчи шарбат тайёрлаймиз

**Керакли маҳсулотлар:**

- Лавлаги – 1 дона
- Сабзи – 2 дона
- Олма – 1 дона

**Тайёрлаш усули:** Мева ва сабзавотларни ювиб, тоза-ланг. Маҳсулотларни кубик шаклида кесиб, шарбатини сиқиб олинг. Шарбатга таъбга қараб лимон сувини ҳам қўшиш мумкин.



### Шамоллашга 99 фоиз табiiй даво

Шамоллаш учун ажойиб  
восита ва ниҳоятда мазали,  
соғлом ичимлик.

Биз барча маҳсулотларни аралаштирамиз:

- 1 ош қошиқ малина мураббоси
- 1 ош қошиқ асал
- 1 ош қошиқ лимон шарбати
- 1 ош қошиқ коньяк
- 1 таблетка аспирин

Тўлиқ тузалгунча ҳар куни 1 чой қошиқдан истеъмол қи-линг.



|                                                                                          |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                        |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                   |                                                                                                                                                                                                                                    |
|------------------------------------------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| <b>Директор – Бош муҳаррир<br/>Райимжон Ортиқбой ўғли<br/>АЛИБОВЕВ.</b>                  | <b>Масъул шахслар:</b><br><i>Туркистон, Саверон – Шомирза МАДАЛИЕВ. +7701-610-51-22</i><br><i>Қазигурт – Хуршид ҚҶҚОРОВ. +7701-447-37-42</i><br><i>Сайрам – Зокиржон МҶМИНЖОНОВ. +7702-278-96-90</i><br><i>Тулкибош – Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7747-144-60-71</i><br><i>Жетисай, Мақтарал – Мухтабар УСМОНОВА. +7701-257-36-97</i><br><i>Келес, Саригоч – Малика ЭЛТОЕВА. +7702-841-78-82</i><br><i>Кентов, Сўзоқ – Рўзиохун МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97</i> | <b>Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.</b><br>Мулк эгаси – “Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий<br>газетаси тахририяти” масъулияти чекланган биродарлиги.<br><br><div><ul style="list-style-type: none"><li>● Мақолалар, эълон ва билдирүүлараздаи факт<br/>ҳақда далилларини тўғрили учун муаллиф-<br/>лар, реклама ва эълон берувчлар масъулдир.</li><li>● Ҳойдадиланимгади мақолаларга ёзма жавоб<br/>кайтирилмаиди.</li></ul></div> <div>Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги<br/>томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олинди,<br/>КЗ34VРҲ00022503 гувоҳнома берилган.<br/><br/>“ЕРНУР-принт” МЧБ босямоҳонасида чоп этилди,<br/>Шимкент шаҳри, Т. Алимқулов кўчаси, 22.</div> | <b>МАНЗИЛИМИЗ:</b><br>160000, Шимкент шаҳри,<br>Тауке хан шоҳқўчаси, 6-уй, 3-қават.<br>Телефон: 53-07-10. Телефакс: 53-04-66.<br>+7778-618-39-05.<br><b>Электрон почта:</b> <a href="mailto:janubiy@inbox.ru">janubiy@inbox.ru</a> |
| Бош муҳаррир ўринбосарлари:<br><b>Муроджон АБУБАКИРОВ.</b><br><b>Авазхон БҶРҲОНОВЕВ.</b> |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                        |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                   | Нашр кўрсаткичи – 65466. Адади – 11400 нуска.                                                                                                                                                                                      |
| Масъул котиба – <b>Шаҳноза УСМОНОВА.</b>                                                 |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                        | <b>Қозоғистон Республикасида тарқатилади.</b>                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                     | Бюролар:<br>821. <b>Навбатчи муҳаррир: Наргиз МАВ.ЮНОВА.</b>                                                                                                                                                                       |